

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида  
УДК 67: 687:685,5: 339

**ТОҒАЕВ НОДИР ШАВКАТОВИЧ**

**Тўқимачилик саноати маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш  
жараёнида ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш йўллари**

5A230201 – Менежмент (соҳалар бўйича)  
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар  
и.ф.н., доц. Қодиров С.Ғ.

Тошкент - 2014

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I-БОБ. МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	7
1.1. Рақобатбардошликнинг иқтисодий моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар.....	7
1.2. Тўқимачилик корхоналари маҳсулоти рақобатбардошлигини баҳолашнинг услубий масалалари.....	17
1.3. Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг иқтисодий мазмуни ва уларнинг шаклланиши.....	31
<b>I-боб</b> бўйича хулосалар.....	40
<b>2-БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШГА ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИККА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ</b> .....	41
2.1. Тўқимачилик корхоналари маҳсулоти рақобатбардошлигининг таҳлили	
2.2. Тўқимачилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш омилларининг таҳлили .....	55
<b>II-боб</b> бўйича хулосалар.....	59
<b>III-БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШ</b> .....	61
3.1. Корхона рақобатбардошлигини ошириш омиллари.....	61
3.2. Моддий сарф-ҳаражатларни қисқартириш йўллари.....	67
<b>III-боб</b> бўйича хулосалар.....	73
<b>ХУЛОСА</b> .....	75
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	78

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги:** 2014 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлашимиз лозим. Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда тўқимачилик саноати корхоналари олдида турган асосий вазифалардан бири ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш корхонанинг молиявий ва иқтисодий барқарорлигини ошириш ҳамда рақобатбардошликни таъминлашдир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шунини сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин"[12].

Бугунги кунда республикаимиз тўқимачилик саноатини ривожлантиришда бир қатор макро ва микроиқтисодий даражалардаги муаммолар мавжуд. Ушбу масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистоннинг жаҳон

ҳамжамиятига интеграциялашуви шароитида республикамиз тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш буйича услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишни тақозо қилади. Шу боисдан ҳам халқимизнинг кенг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришда тўқимачилик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади"[12].

### **Тадқиқот мақсади ва вазифалари.**

Тадқиқотнинг мақсади ресурслар чекланган шароитда тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш буйича илмий-услубий асослар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган:

- тўқимачилик саноати маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва унга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларининг иқтисодий мазмуни ва уларнинг шаклланишини асослаб бериш;
- тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш ҳаражатларини белгиловчи омилларни асослаб бериш;
- тўқимачилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига кирувчи ҳаражатларни таҳлил қилиш;
- тўқимачилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш омилларининг таҳлил қилиш;
- тўқимачилик корхоналарида моддий сарф-ҳаражатларни қисқартириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти сифатида «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акционерлик компаниясига тегишли тўқимачилик корхоналари танлаб олинган.

Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида ҳаражатларни бошқарув тизими, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичлари ҳаражатларнинг вужудга келиш манбалари бўйича ҳисобга олиш усуллари, шунингдек корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш ва уларни камайтириш усуллари тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот услубияти ва услублари** асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ёритилган мамлакатимиздаги иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларга оид назарий қарашлар, ҳукуматимиз томонидан тўқимачилик корхоналарини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ва хорижий ҳамда Ўзбекистон олимларининг тўқимачилик корхоналарини ривожлантириш муаммоларига қаратилган илмий тадқиқот ишлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг ахборот базаси** ЎЗР иқтисодиёт вазирлиги, ЎЗР Давлат статистика қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК маълумотлари ҳамда муаллифнинг ушбу маълумотлар асосида олиб борган ҳисоблари ва таҳлил кўрсаткичларидан иборат. Тадқиқот жараёнида истиқболли баҳолашнинг мақсадга йўналтирилган комплекс усулидан, математик моделлаштириш, статистик, иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.**

- тўқимачилик саноати маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва унга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларининг иқтисодий мазмуни ва уларнинг шаклланиши асослаб берилган;
- тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш ҳаражатларини

белгиловчи омиллар асослаб берилган;

- тўқимачилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига кирувчи ҳаражатлар таҳлил қилинган;
- тўқимачилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш омиллари таҳлил қилинган;
- тўқимачилик корхоналарида моддий сарф-ҳаражатларни қисқартириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи.**

Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти тўқимачилик корхоналарида ҳаражатларни самарали бошқаришга йўналтирилган илмий асосланган тавсия ва таклифларнинг «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва ушбу тармоқ корхоналарида ривожланишнинг мақсадли комплекс дастурини ишлаб чиқишда ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда қўллаш мумкинлиги билан ифодаланади.

**Диссертациянинг тузилиши ва таркиби.** Диссертация иши кириш, мазмунан ўзаро боғланган учта боб, хулоса, 64 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 84 бет бўлиб, 7 та жадвал, 3 та расмдан ўрин олган.

## **I-БОБ. МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Рақобатбардошликнинг иқтисодий моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар**

Бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, унинг тараққий этишига катта таъсир кўрсатувчи куч - рақобатдир. Рақобат курашининг аҳамияти шунчалик юқорики, усиз бозорни тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, у бозор иқтисодиётининг мазмунидир. "Рақобатсиз бозор иқтисодиёти бўлиши мумкин эмас ва бундай иқтисодиёт мавжуд бўла олмайди"[38].

Хўш, рақобат нима? Рақобат (конкуренция) лотинча - *сапсуро* деган сўздан олинган бўлиб, тўқнашув деган маънони билдиради. Ўзбек тилида рақобат ким ўзди, басма - басликка беллашув маъносини англатади. Басма - басликка ким беллашади, рақиб билан? Рақиблар - бир- бирига қарама-қарши турувчилар бўлиб, бирор нарсани талашувчилар маъносини ифодалайди. Шундай қилиб, "Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, юқори даромад олиш имкониятига, нуфузли мавқега эга бўлиши учун бошқалар билан беллашуви, курашидир"[33].

Ана шу беллашув, кураш турли тарзда намаён бўлади. Бозорда корхоналар ресурсларни арзон олиш, ўз маҳсулотларини қимматроққа сотиш, шунинг асосида кўпроқ фойда олишга интилсалар, ишчи ва хизматчилар яхшироқ иш ҳақи олиш учун ҳаракат қиладилар. Истеъмолчи бозорда маҳсулотни арзонроқ сотиб олишга интилади.

Рақобат корхонанинг энг самарали технологияга ўтиш, илғор ишлаб чиқаришни таъминлаб боришга ундайди. У паст ва кам самарали технология асосида ишлаб чиқаришни ташкил этган корхоналарни қўллаб-қувватламайди ва уларнинг бошқа илғор рақиблар томонидан сиқиб чиқарилишига олиб келади. Шунинг учун рақобат, айтганимиздек, техник жадаллашув имкониятини қўллайди ва уни кенг тараққиётга ундайди,

хамда корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳаражатларни камайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни оқилона ташкил этишга, бинобарин ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга доим ундаб туради.

Рақобат “нима ишлаб чиқариш керак?” - деган саволга аниқ жавоб беради. Чунки, истеъмолчининг маҳсулотларни сотиб олишга сарфлаш учун мўлжалланган маблағлари доимо чекланган бўлади. Ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини сотиш орқали ушбу маблағларга эга бўлиш мақсадида курашадилар.

"Бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири, бу танлаш эркинлиги, яъни ҳар бир ишлаб чиқарувчининг нима ишлаб чиқариши, қандай ишлаб чиқариши, кимга сотиш, олинган даромадни қандай тасарруф қилинишини ўзи танлашидир"[33]. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рақобат иқтисодий агентларнинг битимларини узлуксиз оширишга рағбатлантириб туради. Бусиз рақобатда ғолиб чиқиш мумкин эмаслигини таъкидлаб, шуни айтиш керакки фан - техника тараққиёти ютуқларини вақтида ишлаб чиқаришга жорий этиш юқори савиядаги мутахассисни талаб этади. Ушбу ишларни амалга оширмаслик эса муқаррар равишда рақобат курашини бой беришга олиб келади.

Бозор рақобати қандай хусусиятга эга? Ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий фойдани кўзлаши рақобат бўлганда юқори рақобатбардошликка эришиш моддий-техника, молия ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш эса жамият манфаатларига мос келади, чунки ресурслар ҳар қандай жамиятда чекланган. Рақобат маҳсулот бирлигига меҳнат сарфини камайтиришга, энг мукамал технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва нархини пасайтиришга рағбат беради. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатнинг иккита асосий - тармоқлараро ва тармоқ ичидаги шакли мавжуд.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасидаги энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклифнинг кўпайишига олиб келади. Шу асосда нархлар пасая бошлайди. Шунингдек, фойда меъёри ҳам пасаяди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, маҳсулотларга бўлган талаб уларни таклиф қилишдан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда меъёри ошади. Натижада, тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганидан қатъий назар, тенг капитал учун фойда олинишига интилишини таъминлайди. Демак, тармоқлараро капитал қайси тармоққа солинмасин, худди шу тармоқ меъёрларини ўртача фойда меъёрига яқинлаштиради[34].

Тармоқ ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, кўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқда техника билан таъминланиш даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражаси турлича бўлган корхоналар борлиги сабабли бу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқ ичидаги рақобат маҳсулотларнинг ижтимоий нархини, бошқача айтганда бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг анчагина қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади.

Тармоқ ичидаги рақобат натижасида техникавий даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар кўшимча фойда оладилар ва аксинча,

техника жиҳатидан ночор корхоналар эса, ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар[33].

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг тўртта шакли алоҳида ажратиб кўрсатилади. Булар эркин рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополиядир[33]. Бугунги кунда республикада эркин рақобатга асосланган иқтисодиётни вужудга келтириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари ҳал этилмоқда.

Хўш, эркин рақобат қандай хусусиятларга эга? Ҳамда бизнинг иқтисодиётимизда эркин рақобатнинг муҳим жиҳатлари нималардан иборат? - деган савол туғилиши табиийдир.

Эркин рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Юқори даражада ташкил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини тақлиф қиладилар.

Эркин рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан сезиларсиз назоратни амалга оширади. Чунки, ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли, алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий тақлифга, демак, маҳсулот баҳосига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Эркин рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан, янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий тўсиқлар бўлмайди.

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги ва нархсиз рақобат.

Нарх воситасидаги рақобатлашувда курашнинг асосий усули ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотлари нархларини бошқа ишлаб

чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлариникига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган кўриниши - "нархлар жанги" деб аталадики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан сиқиб чиқариши учун нархни вақти- вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради. Бу усулни қўллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақибларига қараганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ходимларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Фақат шундагина унинг товарининг индивидуал қиймати бозор қийматидан паст бўлиб, мазкур товар нархини тушириш имкониятини беради. Шунингдек, нарх билан рақобатлашувга қўйидагиларни киритиш мумкин :

- муайян тоифадаги истеъмолчилар учун имтиёзли нархларда (масалан, улгуржи савдода доимий харидорларга маълум бир фоизли чегирмалар бериш) сотиш;

- вақти ва жойига қараб нархларни тушириш ёки кўтариш;

- маҳсулотлар сифати яхшиланган шароитларда ҳам амалдаги нархларни сақлаб туриш;

- харидорлар учун кредит муддатларини узайтириш ва бошқалар [33].

Нарх билан рақобатлашувга кирмайдиган рақобат усулларини "нархсиз рақобат" деб аталади. Бу атама гарчи ноаниқ бўлсада, амалиёт ва илмий адабиётда кенг қўлланилади, рақобат курашидаги турли усулларга ягона ном беришга имконият яратади. Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили маҳсулотларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатилиши ва ишлаб чиқарувчи корхонанинг обрў-эътибори ҳисобланади [29].

Нархсиз рақобат билан бир вақтда яширин нарх ёрдамидаги рақобат ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун янги маҳсулотларнинг сифати ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши уларнинг нархларини ошишига қараганда тез рўй бериши керак. Ҳозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг

кўпайиши уларнинг сотилишини рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва корхона мухрларидан фойдаланишни келтириб чиқармоқда, истеъмол бозорида қўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмоқда.

Нархсиз рақобатнинг маҳсулот сифатини табақалаштириш каби усули ҳам мавжудки, бунда маҳсулотлар бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.


Товарлар талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар товарларини кредитга сотиш усулидан фойдаланиб, рақибларидан устун келишлари мумкин. Бунда, дастлаб товар нархининг фақат бир қисми тўланади, унинг қолган қисми эса шартномада келишилган аниқ муддатларда тўланади.

Фан - техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда, техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари устидан назорат қилиш учун кураш рақобатнинг асосий усуллари билан бирга айланиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар харидорларни жалб қилиш мақсадида узок муддат фойдаланиладиган истеъмолчилик маҳсулотларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга оширмоқдалар.

Маълумки, рақобат ва рақобатбардошлик ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Рақобат корхоналарни рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга ундайди.

Рақобатбардошлик - мазкур бозорда мавжуд энг яхши ўхшаш объектларга нисбатан аниқ эҳтиёжни қондириш даражасини тавсифловчи объект хусусиятидир. Шу билан бирга рақобатбардошлик - аниқ бозор шароитларида бошқалар билан мусобақада чидаш имкониятидир. Рақобатбардошлик маркетинг тадқиқотлари натижалари бўйича аниқланади. У товарнинг, ҳам аниқ ижтимоий эҳтиёжга мослик даражаси,

ҳам уни қондиришга сарфланган ҳаражатлар бўйича унинг рақиб товаридан фарқини ифодаловчи тавсифидир. 1.1-расмда тўқимачилик корхоналари рақобат стратегиясининг асосий элементлари келтирилган.



**1.1-расм. Тўқимачилик корхоналари рақобат стратегиясининг асосий элементлари**

Рақобатбардошлик нисбий ўлчов бўлиб, хусусияти шундан иборатки, уни рақобат предмети, яъни маҳсулот рақобатбардошлигига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Маҳсулот рақобатбардошлиги деганда, истеъмолчининг аниқ эҳтиёжларини қондириш ва уни харид қилиш ҳамда кейинчалик ундан фойдаланиш учун сарфланадиган харажатлар даражалари бўйича уни, яъни маҳсулотни бошқа шундай маҳсулотлардан ажратиб турадиган тавсифлар йиғиндиси тушунилади.

Маҳсулот рақобатбардошлиги - бирор бир корхона томонидан ишлаб чиқарилган, рақобатчи корхоналарнинг худди шундай товарларига қараганда яхшироқ истеъмол хусусиятлари ва техник-иқтисодий параметрларига эга бўлган товарларнинг истеъмолчилар томонидан ажратиб олиндиш "қобилияти"дир.

Рақобатбардошлик айнан бозорда кузатилади ва товарларнинг истеъмолчи эҳтиёжларига мувофиқ келиши солиштирилиб кўрилади. Ана шунда маҳсулотнинг рақобатбардошлиги реал харидни амалга ошираётган харидор учун жозибадорлик даражасини кўрсатади.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ўрганиш жараёни мураккаб бўлиб, ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

- маҳсулотни сотиш бозорини ўрганиш;
- рақиблар ҳақида маълумотлар йиғиш;
- истеъмолчилар талабларини ўрганиш;
- маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

• маҳсулотни ишлаб чиқариш ва бозорга синов сотишлари билан чиқиш ҳақидаги қарор.

Бу масалаларни ҳал қилиш корхонада маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашнинг узлуксиз тизимини яратишни талаб қилади.

Ҳар қандай маҳсулот бозорга чиқиши биланок, ўз рақобатбардошлигини йўқота бошлайди, бу жараёни секинлатиш мумкин. Бу иқтисодий фойда ва олдинги маҳсулот ўз рақобатбардошлигини тўла йўқотиш пайтигача бозорга янги маҳсулот билан чиқиш имкониятини беради.

Маҳсулот рақобатбардошлигини таърифловчи ўлчамлар ўз ичига бир неча гуруҳларни олади, яъни маҳсулот рақобатбардошлигининг асосий катталиклари қуйидагилардан иборат:

- 1) техник - тизим катталиклари, эргономик, меъёрий, эстетик;
- 2) иқтисодий- истеъмол қилиш баҳоси;
- 3) ташкилий-чегирмалар тизимлари, маҳсулотларни етказиб бериш ва уларга ҳақ тўлаш шартлари, етказиб бериш муддатлари, етазиб бериш шартлари ва кафолатлари, етказиб беришнинг комплектилиги.

Харидорларнинг айрим бир эҳтиёжлари тенг ёки қисман ўзгарадиган шароитларда бир хил ёки ҳар хил усуллар билан қондириш мўлжалланган хилма-хил товарлар айна бир вақтда таклиф этилади. Бундай шароитда истеъмолчи ўзининг қиймат бирлиги бўйича рақобатчилар товарларига қараганда эҳтиёжни кўпроқ ва юқори даражада қондирадиган товарларни танлайди.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражаси бир қанча омиллар таъсирида бўлади. Уларнинг айримлари ижобий, айримлари салбий, баъзилари узоқ вақт, баъзилари қисқа вақт, айримлари тўғридан-тўғри (бевосита), айримлари эса билвосита таъсир кўрсатадилар. Маҳсулотнинг рақобатбардошлик омилларини ўрганишда уларнинг ҳар бирига алоҳида тавсиф берилади, юқори даражада улушга эга бўлганларига кўпроқ урғу берилиб, унга эътибор кучайтирилади. Корхоналар рақобатбардошлиги ўрганилганида ҳам унинг алоҳида олинган бозордаги, тармоқдаги ўрни, улуши, унинг позицияси аниқланади. Яъни, уларнинг позицияси, ҳиссаси қайси омил ҳисобига яхшиланиши, кўпайиши белгиланади. Омиллар

таҳлили шу билан чегараланиб қолмасдан, мамлакат ва жаҳон миқёсига ҳам чиқмоғи мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Умумжаҳон стандартларига кўра маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлашда 100 дан ортиқ иқтисодчи-экспертлар 340 га яқин кўрсаткичлардан фойдаланади. Олинган натижалар 10 та омил бўйича гуруҳланади. Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий салоҳият ва иқтисодиётнинг ўсиши суръати;
- саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги;
- фан-техниканинг ривожланиш даражаси, фан-техника ютуқларини ўзлаштириш суръати;
- халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиш;
- ички бозор сиғими ва динамизми;
- молия тизимининг мослашувчанлиги;
- иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши;
- меҳнат ресурсларининг квалификация даражаси;
- меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси;
- ижтимоий -иқтисодий ва сиёсий аҳвол"[33].

Бу омилларнинг айримларига алоҳида тўхталиб ўтаемиз. Ҳар бир рақобатчининг бозорда ғолиб бўлишида, аввало унинг иқтисодий аҳволи, потенциали, ривожланиш суръатлари асосий омилдир. Чунки, улар маҳсулот сифатини, нархини, самарадорлик ва бошқа кўрсаткичларини ҳам яхшилашга имкон берувчи омиллардир: булар ичида айнан ва ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, бир хил ва ўхшаш корхоналар, ишлаб чиқарувчиларнинг сони қанчалик кўп бўлса, рақобат кураши ҳам шунча кескин ва муросасиз бўлади ва аксинча. Бу ҳолда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, унинг техник ва технологик жиҳатдан қуролланганлик даражаси, географик жойлашган ўрни, ресурслар билан таъминланганлиги, раҳбар ходимларнинг

билими, ақл-заковати, маркетинг илмини қанчалик эгаллаганлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди, яъни корхона ўз маҳсулотларини қанчалик арзонлаштира олиши, уни тезроқ янгилаши, сифатини яхшилаши каби кескин чора-тадбирлар, кўра билиш қобилияти рақобат курашида ғолиб чиқишида асос бўлади. Бу ҳолат корхонадан тўлиқ куч-ғайрат билан ишлашни, кўринишидан арзимас бўлса-да, энг кичик резерв ва имкониятларни ҳам ишга солишини талаб қилади. Бунда, корхонанинг бошқа ёндош корхоналар билан келишиб, ҳамкорликда иш кўриши, шериклик ширкатлари, жамоалари сифатига қўшилиб ҳаракат қилиши кўл келиши мумкин.

Маҳсулотларнинг рақобатдошлигини оширишда фан-техника тараққиёти натижаларини кенг қўллаш, янги ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва йўлга қўйиш муҳим омиллардандир. Фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга кенг қўллаш, маҳсулотларнинг ҳаётийлик даврини қисқартириши, уларнинг умумий таркиби ва параметрларида сезиларли ўзгаришларга ҳамда илгари ишлаб чиқарилган ип, газлама ва улардан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот турлари рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келиши мумкин. Фан-техника тараққиётининг рақобатдошликка таъсири корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда бошқаришни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Миллий иқтисодиётда, эксплуатацияда арзон ва самарали ишлаб чиқариш воситаларини қўллаш, кўпроқ фойда олиш, сотиш ҳаражатларини пасайтириш, компанияга ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш имконини беради.

## **1.2. Тўқимачилик корхоналари маҳсулоти рақобатбардошлигини баҳолашнинг услубий масалалари**

Бозор муносабатлари шароитида қаттиқ рақобат вужудга келиши табиий ҳол бўлиб, натижада истеъмолчилар бозорда танланганини олиши

мумкин бўлган турли товарлар, улар номенклатурасининг тез янгилашиши корхонага мунтазам ишлаб чиқариладиган маҳсулотни рақобатбардошлигини таъминлаш муоммосини ҳал қилиш вазифасини юклатади. Маҳсулотни рақобатбардошлигини таъминлаш корхона фаолиятининг ишлаб чиқаришга таалуқли ва таалуқли бўлмаган жиҳатлари кўрсаткичлари натижаларини яхшилаш билан эришилади. Бу эса ўз навбатида маҳсулот рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ташкил этади[33].

*Маҳсулот рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичлар:*

- Ташқи савдони шакллантириш кўрсаткичлари;
- Сифат кўрсаткичлари;
- Иқтисодий кўрсаткичлари;

*Ташқи савдо шакллантириш кўрсаткичлари* - ўз навбатида узок муддатли ва қисқа муддатли кўрсаткичлар ҳисобланади.

Узок муддатли; иқтисодиёт ривожланиши тенденциялари, бозор ривожлаништенденциялари, илмий-техника тараққиёти тенденциялари, истеъмол тузилмасидаги барқарор силжишлар ва бошқалар. Қисқа муддатли; конъюнктура ўзгариши, бозорда бехос рақиб пайдо бўлиши ёки кетиши, мода ўзгариши ва бошқалар.

*Сифат кўрсаткичлари* - ўз навбатида стандартлаштириладиган ва регламентлаштириладиган кўрсаткичлар ҳисобланади.

Стандартлаштириладиган: вазифа, ишончлилик, физик-механик, эргономик, эстетик, ипларнинг зичлиги ва қалинлиги, ишловбоплиги ва бошқа кўрсаткичлар .

Регламентлаштириладиган: тўқиманинг ҳаётга хавфсизлиги, экологик, патент-ҳуқуқий ва техникавий регламент ва қарорлар билан белгиланадиган кўрсаткичлар.

*Иқтисодий кўрсаткичлар* - ўз навбатида бир мартали ва жорийлар кўрсаткичлар ҳисобланади.

Бир мартали: тўқимачилик маҳсулотлари турларига тўланган қиймати, транспортлаш учун ҳаражатлар, солиқлар, бож тўловлари, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш олди ҳаражатлари ва бошқа турли кўрсаткичлар.

Жорийлар: техникавий хизмат ҳаражатлари, таъмирлаш ҳаражатлари, эҳтиёт қисмлар учун ҳаражатлар, ёқилғи-энергия учун ҳаражатлар, амортизация ҳаражатлари, қайта фойдаланиш учун ҳаражатлар ва бошқа кўрсаткичлар[25].

Замонавий бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатига қатъий талаблар кўяди. Чунки ҳозирги замонда ҳар қандай фирманинг омон қолиши унинг товарлар бозоридаги мустаҳкам мавқий рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Рақобатбардошлик иккита кўрсаткич, баҳо (нарх) ва маҳсулот сифатининг даражаси билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни эркинлаштириш даврида иккинчи омил биринчи ўринга кўтарилмоқда. Чунки сифат корхонанинг обрўси ва янада гуллаши ҳамда сифатни бошқариш-бу барча ходимлар, раҳбардан тортиб аниқ иш бажарувчи учун ишнинг аввали ва охиридир. Маҳсулот сифатини ошириш - бу оқибат натижада унинг миқдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўлароқ қондириш масаласи ҳисобланади. Яъни ҳар қандай маҳсулот энг юқори техникавий - иқтисодий ва эстетик ҳамда бошқа бир қатор талабларга мувофиқ келиши, жаҳон бозорида рақобат қилиш қобилиятига эга бўлиши керак. Агар сифат муаммоси ҳал этилмаса, ижтимоий ишлаб чиқариш ва аҳолининг маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириб бўлмайди.

Маҳсулот сифати - муайян шу маҳсулотнинг ҳар томондан фойдаланишга мукамал эканлигини белгиловчи хусусиятлар, шу маҳсулотдан маълум мақсадда фойдаланиш учун унинг яроқлилик даражаси, маҳсулотнинг халқ хўжалиги эҳтиёжларини, истеъмолчиларнинг талаб ва дидларини қондириш қобилиятидир.

Тўқимачилик корхоналари маҳсулоти сифати - корxonанинг фаолиятини режалаштиришда ва уни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Унда меҳнатни ташкил қилиш, унинг жиҳозланиш даражаси, мутахассисларнинг малакаси, ишлаб чиқаришнинг ҳолати ифодаланади. Маҳсулот сифати иқтисодий жиҳатдан истеъмол қийматининг ўлчови ва фойдаланиш даражаси кўринишида намоён бўлади[50].

Маҳсулот сифати иқтисодий категория бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг муносабатларини, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳамда маҳсулотга нарх белгилаш бўйича корxonанинг давлат билан муносабатларини ифода этади. Ундан ташқари, маҳсулот сифати корxonалар ўртасидаги сифатли маҳсулот учун моддий рағбатлантириш ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги учун моддий жавобгарликка тортиш бўйича муносабатларни ифодалайди.

Маҳсулотнинг миқдори ва сифати ўзоро диалектик боғлиқдир. Юқори сифатли маҳсулот сифатсиз тайёрланган маҳсулотга нисбатан истеъмолчилар эҳтиёжларини юқорироқ даражада қондиришга қодир. Демак, маҳсулот сифатини яхшилаш ишлаб чиқариш ҳажмини кўшимча ҳаражатларсиз оширишга олиб келишдир.

*Маҳсулот сифатини аниқлашда кўйидаги кўрсаткичлар тизими қўлланилади[50] :*

- Вазифа кўрсаткичлари - маҳсулот хоссасини аниқловчи хусусиятларни тавсифлайди ва уни қўллаш доирасини белгилайди. Вазифа кўрсаткичлари лойиҳалаш босқичида кўзда тутилади ва ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади.
- Сақланиш кўрсаткичлари - маҳсулот бузилмасдн ишга яроқли ҳолатини сақлаб туриш хусусияти ёки маҳсулотни сақлаш ҳамда транспортлаш давомида ва ундан кейин истеъмол қилишга яроқли ҳолатини сақлаб қолиш хусусиятларини тавсифлайди. Улар қаторига

саклашнинг ўртача муддати кўрсаткичи киради.

- Транспортлаш кўрсаткичлари - маҳсулотдан фойдаланиш ёки истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлмаган фазода жойини алмаштириш (транспортлаш) га мослашганлигини тавсифлайди. Бу кўрсаткичлар сонига маҳсулотни транспортлаш учун тайёрлашнинг ўртача давомийлиги, маҳсулотни транспорт воситаларига ўрнатишнинг ўртача давомийлиги, транспорт воситаси ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти киради.
  - Унификация ва ўзаро алмашинувчанлик кўрсаткичлари - буюм бир хиллаштирилган ва мустақил равишда ишланган қисмлари билан тўйинганлигини ҳамда бошқа буюмлар билан бир хиллаштириш даржасини ҳамда бу буюмларнинг ўзаро алмашинувчанлигини тавсифлайди.
- Патент -ҳуқуқий кўрсаткичлари маҳсулотда қўлланилган техникавий ечимлар янгиланганлиги даражаси, уларнинг патент тозалиги ва ҳимоясини ҳамда маҳсулот мамлакатимизда ва хорижда тўсиқсиз сотилиши имконини тавсифлайди. Улар ичига патент тозалиги ва ҳимояси, ҳудудий тарқалиш кўрсаткичлари киради. Айниқса, икки кўрсаткич - мамлакатда ихтиро деб тан олинадиган техникавий ечимлар қўлланган бўлса, у патент қобилиятидир. Патент тозалигига- таркибида патент, ихтирога яқка ҳққуқ ва шунга ўхшаганлар таъсирига тушадиган техникавий ечимлар бўлмаган буюм эга бўлади.
- Экологик кўрсаткичлар - маҳсулотдан фойдаланиш ва уни истеъмол қилиш пайтида пайдо бўладиган атроф - муҳитга зарарли таъсирлар даражасини тавсифлайди. Бу кўрсаткичларга атроф - муҳитга зарарли моддалар чиқарилиши эҳтимоллиги ва даражаси киради.
- Хавфсизлик кўрсаткичлари - маҳсулотнинг ундан фойдаланиш пайтида хизмат ходимларининг хавфсизлигини таъминловчи хусусиятларини тавсифлайди.

Маҳсулот сифати даражасини ошириш йўлларида бири унинг техникавий даражаси ва сифатини оширишга асосланишдир. Бунинг учун:

- энг янги жаҳон ютуқлари асосида маҳсулотни ишлаб чиқаришда янги лойиха ва техника-технологиялардан фойдаланиш;

- маҳсулотни ишлаб чиқаришда янги хом ашё турларидан ва ташкилий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий ечимлардан фойдаланиш зарур.

Маҳсулот сифатини кўтариш муаммосини ечишда стандартлаштириш ишлари алоҳида аҳамиятга эга, чунки стандартлар турли идоравий тасарруфдаги корхоналар чиқарадиган маҳсулот сифати даражасини белгиловчи меъёрий - техникавий асос ҳисобланади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш учун стандартлаштириш, турлаш, агрегатлаш, параметрик ва ўлчам қаторларини яратиш каби бошқа усулларни қўллайди.

Маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини ошириш амалий усули унинг тавсифларини илгарилаб стандартлаштириш. Илгарилаб стандартлаштириш - стандартлаштириш объектларига амалда эришилган меъёр ва талаблар даражасига нисбатан юқорироқ талаблар қўйишдан иборат бўлади. Тегишли андозаларда талабларнинг шундай даражаси жорий қилинадиги, туркум маҳсулот ишлаб чиқариш пайтида унинг сифат кўрсаткичлари энг яхши жаҳон ютуқлари даражасида бўлиши керак.

Стандартлаштириш ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришлар сони ошиб, корхоналар охириги маҳсулотининг алоҳида элементлари (масалан, йигирилган ип чизиқий зичлиги (текс, номер), тайёр газлама эни)ни ишлаб чиқарганда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришнинг бундай усулида асоси стандартлаштириш бўлган ўзаро алмашинувчанликнинг юқори даражасисиз маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлашнинг иложи йўқ.

Мажмуий стандартлаштириш - ўзаро боғланган объектларнинг кўрсаткичлари ва талаблар меъёрларини келиштириб ҳамда тегишли стандартларни киритиш муддатларини боғлаб стандартлаштиришдир. Мажмуий стандартлар охирги маҳсулот, жиҳозлар, приборлар, хом ашё, материал ва бошқаларнинг техникавий - иқтисодий кўрсаткичларига бўлган талабларини ўзаро боғлайди. Табиийки бу кўрсаткичлар эришилган даражадан юқори бўлиши ва техника ҳамда технологиянинг жаҳон даражасига мўъноси келиши лозим.

Ўзаро савдонинг ривожланиши учун маҳсулот сифати ва тавсифларини баҳолаш, Буюмдонга жойлаш, сақлаш ҳамда транспортлашга бўлган талабларга бир хилда ёндашиш зарур. Бундай ягоналикка стандартлаштириш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида эришилади [44].

Стандартлаштириш масалалари билан шуғулланадиган энг катта халқаро ташкилот 1946 йилда ташкил қилинган халқаро стандартлаштириш ташкилотидир (ISO - International Standard Organization). ИСО (ХСТ) нинг мақсади халқаро товар айрибошлаш ва ўзаро ёрдамни осонлаштириш ҳамда интеллектуал, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятни кенгайтириш учун жаҳон миқёсида стандартлаштиришга кўмаклашишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, ИСО нинг халқаро стандартлари мажбурий эмас. Ҳар бир мамлакат уларни бутунлигича, алоҳида бўлинмаларини қўллашга ёки умуман қўлламасликка ҳақлидир. Лекин халқаро бозорда рақобат шароитларида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ИСО ва бошқа ташкилотларнинг стандартларини қўллашга мажбур.

Халқаро стандартларда асосий диққат биринчи навбатда маҳсулот сифатини синашнинг ягона усулларини жорий қилишга қаратилган, бу турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини объектив баҳолаш имконини беради. Бундан кам бўлмаган диққат маҳсулотни таъминлаш, буюмдонга жойлаш ва сақлашга ҳамда ишлаб

чиҳариладиган ва истеъмол қилинадиган мамлакатдан қатъий назар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўзаро муносабатларини осонлаштирувчи ягона атамаларга бўлган ягона талабларни ишлаб чиқишга қаратилган. Ундан ташқари, халқаро стандартларда, одатда, маҳсулотга одамлар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги, атроф - муҳит муҳофазаси томонидан бўлган талаблар жорий қилинади.

Маҳсулотни рақобатбардошлигининг асосий ташкил этувчиси унинг истеъмол хусусиятлари ва нархидир. Лекин маҳсулотнинг бозор истиқболлари фақат сифат ва ишлаб чиқариш ҳаражатларига боғлиқ эмас. Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлашда - маҳсулотни ишлаб чиқараётган корхонанинг реклама фаолияти, корхонанинг нуфузи, харидорга маҳсулотни сотгандан кейинги таклиф этилаётган хизматларнинг даражаси каби бошқа жиҳатлар ҳам таъсир кўрсатади[47].

Аммо, маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича корхона фаолиятининг ишлаб чиқаришга оид бўлмаган жиҳатлари қанчалик муҳим бўлмасин, асос - сифат ва нархидир.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот мустаҳкам (пишиқ), эстетик жиҳатдан кўзни қамаштирадиган, ўз вазифасини яхши бажарадиган бўлиши керак. Лекин юқорида қайд этилган кўрсаткичлардан ташқари маҳсулотнинг баҳоси ҳам муҳим. Чунки иқтисодий оптимал сифат масаласи баҳо билан чамбарчас боғлиқ. Харидор маҳсулотни сотиб олганда маҳсулот баҳоси у эга булган хоссалар тўпламини қоплашини билиш учун доимо таққослайди.

Эстетик меъёрлар баъзида харид қилиш нархида муҳим рол ўйнайди, чунки, ташқи кўриши орқали дизайнер "замонавийлик" "замон руҳига мос келиш" каби маҳсулотнинг хусусиятларини акс эттиради.

Маҳсулотнинг иқтисодий ўлчамлари унинг асосий хусусиятларини, яъни харидорнинг маҳсулотни харид қилиш ва бутун ишлатиш давридаги фойдаланиш ҳаражатларини таърифлайди. Маҳсулотнинг

истеъмол нархи мажмуада куйидаги элементлардан вужудга келади: товарнинг нархи (C<sub>1</sub>), ўрнатиш ва ишлаш қобилиятига келтириш қиймати (C<sub>2</sub>), ходимларни эргаштириш (C<sub>3</sub>), ёнилғи, электр-энергиясига ҳаражатлар (C<sub>4</sub>), ходимларнинг иш ҳаки (C<sub>5</sub>), кафолатдан кейинги ҳаражатлари (C<sub>6</sub>), маҳсулотни суғурта қилиш ҳаражатлари (C<sub>7</sub>), солиқлар (C<sub>8</sub>), ўз ресурсини ишлаб бўлгандан кейин маҳсулотни утилизациялаш ҳаражатлари (C<sub>9</sub>), кўзда тутилмаган ҳаражатлари (C<sub>10</sub>). Бу ҳаражатлар жамланганда истеъмол нархи (C) - истеъмолчиларга маҳсулотни бутун хизмат килиш даврида керак бўладиган маблағлар ҳажмини ташкил қилади

$$C = C_1 + C_2 + C_3 + C_4 + C_5 + C_6 + C_7 + C_8 + C_9 + C_{10}$$

Бизнинг фикримизча, тўқимачилик саноати маҳсулотларининг рақобатбардошлигини баҳолашда куйидаги усулдан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир [26]:

$$Z_k = S + P + S*(O + Y) - (P_{gb} * X_{gb}), \quad \text{бу ерда}$$

Z<sub>k</sub> - корхона даражасида рақобатбардошликни баҳолашда ҳисобга олинadиган ҳаражатлар йиғиндиси;

S – таннарх;

P – фойда;

O – ресурсларни иқтисодий баҳолаганда таннархнинг ортиши фоизи;

Y – давлат бюджетидан илм-фанни ривожлантиришга кетган ҳаражатларнинг ортишини иқтисодий баҳолаганда таннархнинг ортиши фоизи;

P<sub>gb</sub> – давлат бюджети ҳаражатларининг илм-фан, таълим, атроф муҳитни ҳимоя қилиш, ижтимоий суғурта ва бошқаларга давлат бюджети ҳаражатларининг салмоғи;

X<sub>gb</sub> – фойданинг давлат бюджетига ажратилган қисми.

Истеъмол нархи маҳсулот рақобатбардошлигининг муҳим ўлчамларидан бирини намоён қилади, маҳсулотдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳаражатлар унинг харид нархидан бир неча марта ортиб кетади.

Иқтисодий оптимал сифат деганда, сифат ва ҳаражат нисбати ёки сифат бирлигининг баҳоси тушунилади ва у қўйидаги формула билан ҳисобланади.

$$Konm = \frac{Bc}{X\varepsilon}$$

$Bc$  - маҳсулот сифати;

$X\varepsilon$  - маҳсулотни сотиб олиш ва эксплуатация қилиш ҳаражатлари, сўм.

Формуланинг суратини аниқлашда маҳсулот сифати жуда кўп ва турли туман кўрсаткичлар билан тавсифланади, махражи маҳсулотни сотиш баҳосини, эксплуатация, таъмирлаш ва утилизация қилиш ҳаражатларини ўз ичига олади. Демак, ҳозирги замон ишлаб чиқариши шароитида маҳсулот сифати - корхона самарадорлигининг, рентабеллигининг муҳим таркибий қисмидир, шу сабабли унга доимо эътибор бериш керак бўлади. Сифат билан барча - корхона директоридан тортиб, аниқ иш бажарувчигача шуғулланиши керак. Шу билан бирга, иқтисодий оптимал сифатни таъминлаш учун ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш орқали маҳсулотнинг нархини пасайтиришга эришиш зарур. Бу эса ишлаб чиқариш ҳаражатларини таҳлил қилиш ва корхонада уларни қисқартириш ички имкониятларини ишга солиш орқали рақобатбардошликни ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича яна бир қанча назарий ҳамда услубий ёндашувлар мавжуддир. Муаллифлар томонидан рақобатбардошлик тушунчасининг аниқ бир тавсифи мавжуд эмас, деган фикр олға сурилади. Иқтисодий изланишларда у билан маҳсулот нархи, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сотиш самарадорлиги каби категориялар боғлаб тушунтирилади. Литвиненко Л.Н. нинг тадқиқотларида ҳар қандай босқичда мавжуд бўлган маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолашда бозор ва истеъмолчи талабларини ўрганиш орқали маҳсулотда мужассамлашган норматив, техник ва иқтисодий параметрларни аниқлаш

асосида танҳо ёндашувни ишлаб чиқиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилади. Бунда, талабни қондиришда бир мақсадга мўлжалланган иккита товарнинг юқорида санаб ўтилган параметрлари таққосланади. Таққослаш воситаси бўлиб ягона гуруҳ ёки интеграл кўрсаткичларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Гончарук В.А. ўз тадқиқотларида рақобатбардошликни баҳолаш асоси бўлиб, истеъмолчиларнинг хоҳиш иродаси ҳисобланади, деб кўрсатиб ўтилган. Унда, рақобат буюмга нисбатан таққосланганда ушбу ижтимоий эҳтиёжни тўлароқ қондира оладиган энг яхши товар, деб тан олинисини таъкидлаб ўтилади" [22].

Рақобатбардошлик бозор ҳамда аниқ истеъмолчи томонидан аниқланадиган маҳсулотнинг сифат тавсифлари, иқтисодий ва ижтимоий омиллар орқали топилади. Ҳар бир харидор ўзига ёққан маҳсулотни сотиб олади, истеъмолчилар эса рақиблар маҳсулотига нисбатан кўпроқ ижтимоий эҳтиёжларига мос келадиганларни танлашади. Шунинг учун рақобатбардошликни нафақат рақиблар маҳсулотини солиштириш орқали аниқлаш мумкин, балки истеъмолчиларнинг ушбу маҳсулотга бўлган муносабати ҳам ҳисобга олинисини лозим. Рақобатбардошлик нисбий тушунча, у бундан ташқари аниқ бозорга ва унга кириш вақтига ҳам боғлиқдир.

Ҳар бир харидорнинг эҳтиёжи жуда кўп омиллар таъсири остида шаклланган бўлиб, индивидуал характерни ўзида мужассам этади[41]. Бозорда бир хил иқтисодий кўрсаткичларни ўзида акс эттирган маҳсулотлар ўртасидан ўзининг имконият даражасига қараб, максимал эҳтиёжини қондира оладиган, ҳаражатлари паст бўлган, келгусида юқори самара берадиганини танлайди. Эҳтиёж абстракт ва конкрет хусусиятларга эга эканлиги таъкидлаб ўтилади. Конкрет хусусиятли - конкрет шароитда истеъмол қилиш жараёнида амалга оширилиши билан ифодаланиб, у учун аниқ бир чегарани ўрнатади. Яъни, бизнинг фикримизча, эҳтиёжнинг

конкрет хусусияти ва конкрет истемол кўрсаткичлари аниқ бир бозор сегментида, конкрет шароитда кўзга ташланади. Абстрактлик эса истемол самарасига эришилганликда ифодаланади.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини баҳолашда бир қанча босқичлар мавжуд.

Биринчи босқич - бозорни таҳлил этиш ва таққослаш учун фойдаланишда зарур бўладиган энг рақобатбардош намуна маҳсулотни танлаш. Намунани танлаш рақобатбардошликни таҳлил қилишнинг энг маъсулиятли вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу босқичда хатога йўл қўйиш жами иш натижаларини йўққа чиқариши мумкин.

Иккинчи босқич - иккала маҳсулотда қиёсланадиган томонлар мажмуини белгилашдир. Шунини таъкидлаш лозимки, бозорга чиқариш мўлжалланаётган маҳсулот билан бозорда бўлган маҳсулотнинг параметрлари шунчаки, оддий қиёсланадиган бўлса, рақобатчи маҳсулотлар харидорлар эҳтиёжларини қай даражада қондира олиши ҳамда харидорларнинг келажакдаги талабларига қай даражада жавоб бера олиши масаласи эътибордан четда қолади. Шу сабабли, ҳар қандай лойиҳа энг мукамал маънода истемолчиларнинг эҳтиёжларини аниқ-равшан ифодалашдан бошланмоғи лозим. Шу асосда ягона параметрик кўрсаткич ( $q$ ) аниқланади.

$$\frac{P}{q} = P_{100}$$

бу ерда,  $P$ -реал мавжуд маҳсулот параметри катталиги;

$P_{100}$ -эҳтиёжларни 100 % қондирадиган эталон маҳсулот параметри катталиги.

Рақобатбардошликни баҳолашнинг учинчи босқичида нисбий рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун биринчи навбатда параметрларнинг миқдорий кўрсаткичлари аниқлаб олинади. Ҳар бир «қатъий» параметр муайян бирликларда –

киловатт, миллиметр ва ҳоказоларда ифодаланган айрий қийматларга эга бўлади. Бу қийматларда маҳсулотнинг истеъмолчи эҳтиёжларини қондирадиган бир қанча хоссалари ўз ифодасини топган бўлади. Қондириш даражаси бирлик параметрик кўрсаткичлар билан ифодаланади. Масалан, миллий иқтисодиётнинг макрорақобатбардошлигини 3 та гуруҳ бўйича (иқтисодий салоҳият, ХМТ ва инновацион сиғим) баҳолаш мумкин. «Юмшоқ» параметрларни миқдорий тавсифлаш анча қийинроқ кечади. Қулайлик учун оргонолептик усулдан, яъни инсон томонидан объектнинг айрим хоссалари субъектив идрок этилиши ва уни балл шкаласида рақамлар билан ифодалашдан фойдаланилади ёки квалиметрик усуллар қўлланилади. Олинган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, «юмшоқ» параметрнинг умумий миқдорий баҳоси чиқарилади, сўнгра бу баҳо рақиб фирма товарининг худди шундай параметрик баҳосига қиёсланади. Харидор эҳтиёжларининг буюмнинг истеъмол хоссалари билан қониқиши даражасини баҳолашда жамлама параметрик индекс  $J_n$  қўлланилади. Бу индекс қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$J_n = \sum_{j=1}^n a_j q_j$$

бу ерда,  $n$ -таҳлил қилинадиган миқдорий параметрлар сони;

$a_j$  -  $j$ -параметрик кўрсаткич салмоғи, шу жумладан экспертлар гуруҳи аниқлаган кўрсаткичлар;

$q_j$  -  $j$ -параметрик бирликнинг параметрик кўрсаткичи.

Шуни таъкидлаш лозимки, на  $q_j$ , на  $q_n$  (биргина параметрик кўрсаткичлар) 100% дан ортиқ бўлиши мумкин эмас, чунки эҳтиёжни 100 % дан ортиқ қондириб бўлмайди. Ҳар қандай белгиланган параметрнинг биргина параметрик кўрсаткичи фақат икки қийматдан бири - 1 ёки 0 га эга бўлиши мумкин (шунда ҳам, ушбу параметр жами талаб қилинадиган меъёр ва стандартларга мувофиқ келиш-келмаслигига боғлиқ). Шу сабабли гуруҳий кўрсаткич йиғиндидан эмас, балки кўпайтмадан иборат бўлади, агар

ягона параметрик кўрсаткичдан бири 0 га тенг бўлса, бу ушбу бозорда маҳсулот ўз рақобатбардошлигини бутунлай йўқотганини билдиради. Ҳар бир иқтисодий параметрнинг параметрик индекслари ҳамда «салмоғи» ҳисобланганидан кейин, иқтисодий параметрлар ( $J_j$ ) йиғма рақобатбардошлик индекси ҳисоблаб чиқилади:

$$J_j = \sum_{j=1}^m a_j q_j$$

бу ерда,  $m$ -таҳлил қилинадиган иқтисодий параметрлар сони;  $a_i$  -  $j$ -лик параметрик кўрсаткич салмоғи;

$q_i$  -  $j$ -лик параметрик бирликнинг параметрик кўрсаткичи.

Истеъмол ва иқтисодий параметрлар бўйича йиғма рақобатбардошлик индекси буюмнинг намунага нисбатан нисбий рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичини беради. Бу кўрсаткич қиёс қилинаётган товарларнинг истеъмол самаралари ўртасидаги фарқларни акс эттиради.

$$K = \frac{J_n}{J_j}$$

агар  $K > 1$  бўлса, таҳлил қилинаётган маҳсулот рақобатбардошликда намунадан устун туради, мабодо  $K < 1$  бўлганда, ундан паст,  $K = 1$  бўлганда тенг даражада туради. Шундай қилиб, рақобатбардошликни ошириб бориш, яъни  $J_n$  ни кўпайтирган ҳолда, қиймат параметрларини пасайтириб бориш зарур. Бунинг учун аввало, «қатъий» кўрсаткич параметрларини тўғри аниқлаш ва уни таққослаш зарур бўлади. Айрим ҳолларда, бу параметрлар бир-бирини такрорлаш ҳолатлари учрайди. Натижада, хатоликлар чегарасини оширади. Қиймат параметрларни аниқлашда олинадиган маълумотлар тўғрилиги катта аҳамият касб этади.

Фирмалар рақобат курашида ғолиб чиқиш учун ўзларининг мавжуд барча имкониятларини ишга солиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтирган ҳолда, янги турдаги миллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қиладилар.

### **1.3 Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг иқтисодий мазмуни ва уларнинг шаклланиши**

Ўзбекистон Республикасида маҳсулот нархини ҳисоблаш бўйича чиққан «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом 1995 йилда қабул қилинган бўлиб, 1999 йилда 5 февралда ўзгартиришлар киритилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарори билан тасдиқланган.

Шу қарорга асосан, барча ҳаражатлар маҳсулот таннархи таркибига кирувчи ва маҳсулот таннархи таркибига кирмайдиган гуруҳларга ажратилади.

Юқоридаги низомга асосан, маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархига кирувчи ҳаражатлар қуйидаги моддалардан ташкил топади:


- ишлаб чиқаришдаги моддий ҳаражатлар;
- ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ишчиларнинг иш ҳақи ҳаражатлари;
- ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий ишлаб чиқариш фондларининг емирилиши;
- бошқа ишлаб чиқаришдаги ҳаражатлар;

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таркибига кирмайдиган ҳаражатлар «Давр ёки операция» ҳаражатларга ажратилиб, уларга қилинадиган ҳаражатлар фойдадан олинади(2- расм).

Таннархнинг моддалар бўйича ҳаражатлари унинг элементлари бўйича ҳаражатларидан шуниси билан фарқ қиладики, улар шу ҳисобот ва сотиш билан боғлиқ ҳаражатларни ўзларида акс эттиради.

Элементлар бўйича ҳаражатлар эса корхона томонидан йўл қўйилган ҳисобот давридаги ресурслар ҳаражатларини, ишлаб чиқаришнинг тугалланмаган қолдиқлари ўсиши ҳаражатлари, келгуси даврлар ҳаражати

ҳисобига ўтказилган ҳаражатларни ва х.к. ҳаражатларини қўшиб кўрсатади.



### 1.2-расм. Тўқимачилик маҳсулотлари таннархида ҳаражатларнинг таркиби ва уларнинг шаклланиши

Ҳаражатларни моддалар сарфи бўйича гуруҳларга ажратиш ҳаражатларини натижавий кўрсаткичлари билан алоқасини, уларнинг технологик жараёндаги, бошқариш ва хизмат кўрсатишдаги ички хўжалик ҳисобидаги ролини тавсифлашга имкон беради, бевосита ва билвосита, ўзгарувчан ва доимий сарф-ҳаражатларни ўрганиш имкониятларини тўлиқроқ очиб беради.

Корхоналар фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул ҳаражатларини сарфлайдилар. Корхонанинг умумий ҳаражатлари ичида ишлаб чиқариш ҳаражатлари энг катта салмоққа эга. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари мажмуаси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини

кўрсатади, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади[22].

Корхоналар, шунингдек, маҳсулотни сотиш бўйича ҳаражатларни, яъни ишлаб чиқаришдан ташқари ёки тижорат (ташиш, қадоқлаш, сақлаш, реклама қилиш ва ҳоказо) ҳаражатларини ҳам амалга оширадилар

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархини ташкил қилувчи ҳаражатлар иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементларга асосан гуруҳларга тақсимланади:

- \* моддий ҳаражатлар;
- \* асосий фондлар амортизацияси;
- \* меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар;
- \* ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган ҳаражатлар;
- \* бошқа ҳаражатлар.

Тўқимачилик корхоналарида моддий ҳаражатлар ишлаб чиқариш ҳаражатларининг энг катта қисми бўлиб, корхона ва хом ашёнинг турига боғлиқ ҳолда, умумий ҳаражатларнинг 60 - 85 фоизини ташкил қилиши мумкин. Моддий ҳаражатлар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- \* хом ашё ва материаллар ҳаражатлари;
- \* технологик мақсадлар ва хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланувчи ёқилғи ва энергия;
  - харид қилинувчи бутловчи қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;
  - сотиб олинган қадоқлаш ва ўров материаллари ҳаражатлари;
- \* машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар;
  - бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш хизматлари;
    - хизмат даври бир йилгача бўлган кичик қийматли ва тез эскирувчи предметларнинг эскириши ёки ҳар бир инструмент, инвентарь, лаборатория ускуналари ва махсус кийим-бош учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравар миқдоригача қиймати;

\* табиий хом ашѐдан фойдаланиш билан боғлиқ солиқ, йиғим ва бошқа тўловлар;

\* ишлаб чиқаришда бекор туриб қолиш ва сифатсизлик (брак) туфайли юзага келадиган йўқотишлар;

табиий йўқотишлар билан боғлиқ бўлган [19].

\* ёки айбдор шахслар мавжуд бўлмаган ҳолда юзага келадиган йўқотишлар.

Амортизация ажратмалари миқдorigа тенг бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши ҳаражатларнинг йирик элементларидан бири ҳисобланади. Булар қаторига асосий фондларнинг тезлашган амортизацияси ва унинг индексациясини киритиш мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар–корхонанинг асосий ишлаб чиқариш персонали меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланадиган ҳаражатлар бўлиб, ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун мукофотлар, рағбатлантирувчи ва компенсация тўловлари, жумладан, қонунчиликда белгиланган нормативлар чегарасида нархларнинг ўсиши ва индексация учун тўловлар, шунингдек, корхона ходимлари штатида бўлмаган, лекин асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар учун тўланувчи ҳақни ўз ичига олади.

Мазкур ҳаражатлар элементлари қаторига қуйидагилар киритилган:

\* амалда бажарилган иш учун тариф ставкалари, лавозим маошлари ва шу кабилар асосида тўланувчи иш ҳақи;

\* ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун берилувчи мукофот ва бошқа тўловлар;

\* қонунчиликка асосан баъзи тармоқлардаги ходимларга бепул берилувчи кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой, коммунал хизмат ва ҳоказолар қиймати;

\* ҳар йиллик меҳнат ва ўқув таътили учун амалга оширилувчи тўловлар;

корхонани қайта ташкил қилиш, штатлар қисқариши туфайли ишдан бўшатишган ходимларга тўланувчи маблағлар [14].

\* Ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатлар нобюджет ижтимоий фондларига (нафақа фонди, ижтимоий суғурта фонди, бандлик фонди ва ҳоказо) ажратилувчи маблағларни англатади.

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархидаги бошқа харажатлар – бу, қонунчиликда белгиланган тартибда махсус нобюджет фондларига ўтказилувчи тўловлар ва солиқлар; йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордаги чиқиндилар учун тўловлар; корхона мулкани мажбурий суғурталаш; рационализаторлик таклифлари учун мукофотлар; қонунчиликда белгиланган ставкаларда кредитлар бўйича тўловлар; маҳсулотни сертификатлаш учун бажарилган ишларга ҳақ тўлаш; қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича хизмат сафарларига ҳақ тўлаш; ёнғинга қарши кураш ва қўриқлаш муассасаларига ҳақ тўлаш; кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимлар танлашни ташкил қилиш, алоқа хизмати, ҳисоблаш марказлари, банклар хизматига ҳақ тўлаш; асосий ишлаб чиқариш фондларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш; номоддий активларнинг эскириши ва ҳоказолар.

Ишлаб чиқариш харажатларига, асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тайёр ҳолатда сақлаб туриш - капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, машина ва асбоб-ускуналарга қараш ва эксплуатация қилиш учун сарфланувчи барча харажатлар кирди. Асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш бўйича мураккаб ишлар амалга оширилиб, харажатлар бир хилда тақсимланмаганда корхоналар (Молия Вазирлиги рухсати билан) маҳсулот таннархи ҳисобига асосий фондларни таъмирлаш учун заҳира(резерв) фондлари ташкил қилиши мумкин.

Хорижий валютадаги харажатлар Марказий банкнинг операциялар амалга оширилган кундаги курсига асосан сўмларда белгиланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга қилинадиган харажатларни

ўсишига, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асбоб-ускуналар нархининг ўсиши, транспорт хизмати тарифларининг юқорилиги, реклама ва вакиллик ҳаражатларининг ўсиши кабилар таъсир қилади. Амортизация ажратмалари миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Нархлар эркинлиги ва ижтимоий зиддиятлар кучайган шароитларда ҳаражатлар тузилмасида иш ҳақининг салмоғини ошириш катта аҳамият касб этади. Шу билан бир вақтнинг ўзида ижтимоий ва тиббий суғурталаш, нафақа таъминоти, аҳоли бандлик фондлари, турли хил компенсацион тўловларга ажратилувчи маблағлар миқдори ҳам ортиб бормоқда[13].

Хулоса қиладиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида ресурсларга ва улардан фойдаланишига бўлган талаб кучаяётганлиги, улар қийматини ўсиши, улардан фойдаланиш даражаси охир-оқибат корхона фаолиятини инқирозга учрамаслиги учун асос бўлиши ҳар қандай ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этмоқда. Ҳозирги пайтда қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва қанча ишлаб чиқаришгина эмас, шу билан бирга бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга қанча ресурс ва маблағ талаб қилиниши ҳам кўпинча корхоналар учун асосий масалаларга айланмоқда. Бу ҳар бир корхонани бир томондан, талабни қондириш, иккинчи томондан, ресурслар ҳаражатининг кам чиқимли йўллари ахтаришга ундайди. Булардан ташқари, ҳар бир корхона учун характерли бўлган меъёрлаштириш ва ресурсларнинг пуллиги ҳам шуни тақозо этади.

Даромадни шакллантирувчи асосий омилларидан бири ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи ҳисобланади. Агар маҳсулот таннархи маълум бир ҳисобот даврида ошган бўлса, у ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қолган бошқа шароитлари ўзгармаган ҳолда ҳам даромадлар миқдори шу даврда албатта шу омил ҳисобига ва унинг ўсиши миқдориға камаёди. Даромадлар ва таннарх миқдорининг ўсиши ўртасида қарама-қарши функционал боғлиқлик мавжуд бўлиб, таннарх ҳаражатлари кам

бўлса, даромадлар шунчалик юқори бўлади ва аксинча таннархнинг ошиб кетиши даромаднинг пасайишига олиб келади.

Таннарх хўжалик фаолиятининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг энг муҳим унсурларидан бири ҳамдир. Таннархда корxonанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ бўлган барча сарф харажатлар ўз аксини топади. Унинг кўрсаткичларига моддий меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш даражасини, самарадорлигини алоҳида олинган ходимлар ва раҳбарларнинг фаолияти натижалари таъсирини яққол кўрсатиб беради.

Ишлаб чиқаришда сарф-харажатлар таркибини ўрганиш ва унинг ҳисобот даврида харажатларининг алоҳида элементлари бўйича ўзгаришини ўрганиш, шунингдек амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот харажатларини таҳлил қилиш таннархни таҳлил қилишнинг чуқурлаштирилган навбатдаги босқичи ҳисобланиб, унинг ҳам пировард мақсади - харажатларни камайтириш йўллари ва манбаларини излаб топиш ва даромадни кўпайтиришдан иборатдир [22].

Ишлаб чиқаришдаги харажатлар таркибини таҳлил қилиш алоҳида унсурлар харажатининг умумий харажат миқдорига нисбатан нисбий қийматини ва уларнинг ҳисобот даврида ўзгаришини аниқлаш билан бошланади.

Тўқимачилик саноати корxonаларидаги умумий харажат унсурлари куйидагилардир:

- моддий (хом ашё ва асосий материаллар) сотиб олинган жамловчи маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;
- меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий фаолиятда банд бўлган ходимларга мукофотлар;
- ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар;
- асосий ишлаб чиқариш фондларининг ейилиш харажатлари

- санаб ўтилган элементларда акс этмайдиган барча ҳаражатларни ўз ичига олувчи бошқа ҳаражатлар.

Ушбу унсурлар бўйича сарф-ҳаражатлар таркибини ўрганиш, шунингдек, ҳисобот даврида юз берган ўзгаришларни ўрганиш бундай таркибнинг самарадорлигига баҳо бериш имкониятини, шунингдек унинг моддий ёки меҳнат ҳаражатларининг ҳажмини камайтириш тарафига ўзгартириш имкониятлари тўғрисида хулоса чиқариш учун маълумотлар беради. Чиқарилган хулосани асослаш учун қўшимча кўрсаткич сифатида товар маҳсулоти қийматидаги кўриб чиқилаётган унсурлар ҳаражатларининг нисбий қиймати, яъни ҳар бир унсур ҳаражатлари миқдорини товар маҳсулоти миқдорига бўлиш йўли билан топилган, умумий товар маҳсулотида бу унсурларнинг улуши кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин.

Мутлақ қийматдаги унсурлар бўйича амалдаги ҳаражатларнинг четга чиқиши, фақатгина моддий, меҳнат ва молиявий манбалардан фойдаланишнинг ўзгаришини белгиламайди, чунки улар маҳсулот турларини ўзгариши натижасида ҳам келиб чиққан бўлиши мумкин.

Ушбу ҳаражатларни камайтириш манбаларини излаб топиш имконияти тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун ишлаб чиқариш жараёнида юзага келаётган ҳаражатларни ўрганиб чиқиш зарур. Ушбу белгиларга кўра, улар калькуляция ҳаражати моддалари бўйича ишлаб чиқариш, уни ташкил қилиш, хизмат кўрсатиш, бошқариш ва таъминлаш билан қанчалик алоқада эканлигига қараб, гуруҳларга бўлинади.

Мустақиллик бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятига тўлиқ эркинлик берди. Айниқса, савдо сотиқда эркин муносабат юритиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун шерик танлай билиш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти ва уни сотишдан олган даромадга тўлиқ эгалик қилиш, молиявий кўрсаткичларнинг ёки ресурсларнинг ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатади. Фойдаланилмаган

ресурсларни аниқлаб, корхоналарнинг келгусида ривожланиши, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради[22].

Республикамиз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш билан корхоналарнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилишнинг аҳамияти янада ортиди. Чунки, бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришга жорий этилмаган ресурсларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш энг долзарб муаммога айланади. Бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳар хил шаклдаги бизнесни ва ишбилармонликни ривожлантириш корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари - фойда ва рентабеллик, рақобатбардошлик корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичларига айланади.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларни ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи қонунлар Президент фармонлари ва Вазирлар маҳкамасининг юзлаб қарорлари қабул қилинаёпти. Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг энг асосий йўналишларидан бири - ресурслардан унумли фойдаланишга қаратилган бошқарув тизимини такомиллаштиришдир. Шуларни эътиборга олган ҳолда, ҳозирги кунда тўқимачилик саноати маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда ресурслардан унумли фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш йўллари таҳлил қилиш, ишга солинмаган ички имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишга солиш чора-тадбирларини белгилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

### **1-боб бўйича хулоса**

1. Рақобатбардошлик - мазкур бозорда мавжуд энг яхши ўхшаш объектларга нисбатан аниқ эҳтиёжни қондириш даражасини тавсифловчи объект хусусиятидир.

2. Маҳсулот рақобатбардошлиги - бирор бир корхона томонидан ишлаб чиқарилган, рақобатчи корхоналарнинг худди шундай товарларига караганда яхшироқ истеъмол хусусиятлари ва техник-иқтисодий параметрларига эга бўлган товарларнинг истеъмолчилар томонидан ажратиб олинishi "қобилияти"дир.

3. Меҳнат предметларидан хусусан, моддий ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳозирги даврда замонавий янги техникалардан тўғри фойдаланиш, шунингдек, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этиш тақозо этилади. Чунки, улар ёрдамида моддий ресурсларни ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади.

4. Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда ресурслардан унумли фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш йўллари таҳлил қилиш, ишга солинмаган ички имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишга солиш чора-тадбирларини белгилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

## **2-БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШГА ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИККА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

### **2.1.Тўқимачилик корхоналари маҳсулоти рақобатбардошлигининг таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатининг таркиби мукаммаллашиб бормоқда, агар олдинги асрнинг 20-йилларида асосий маҳсулотнинг 4/5 қисмини пахта тозалаш саноати ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда юқори суръатлар билан тўқимачилик, трикотаж-тикувчилик, ипакчилик ва чарм-пойабзал тармоқлари ҳам ривожланаяпти.

Ҳозирги кунда Республика енгил саноат Давлат акциядорлик компанияси (“Ўзбекенгилсаноат” ДАК) таркибида 285 та корхона ва ташкилотлар бўлиб, ундан 134 таси тўқимачилик корхоналари, 116 таси тикувчилик-трикотаж тармоғи корхоналари, 35таси ипакчилик тармоғи корхоналари ва 7 таси таркибий тузилма ташкилотларидир. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибидаги корхоналарнинг 120 таси қўшма корхоналар ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, қўшма корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30% ини ташкил этади ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг 88,1% экспорт қилинади. Бугунги кунда Республикада саноат тармоқларида банд бўлган ходимларнинг 1/3 қисми енгил саноатида фаолият олиб бормоқда, енгил саноат маҳсулотларининг салмоғи жами саноат маҳсулотига нисбатан 13,4% ни, истеъмол товарларига нисбатан 55% ни ташкил этади[57].

Экспорт маълумотларига кўра, Ўзбекистон жаҳон бозорида «оқ олтин» экспорти бўйича олдинги ўринларни эгаллаган ҳолда, тўқимачилик маҳсулотлари, газмоллар, трикотаж-тикувчилик буюмларини кам миқдорда четга чиқаради. Саноат товарлари экспорти умумий ҳажмида

тўқимачилик маҳсулотлари улуши юқори бўлган мамлакатлар ичида етакчилар бўлиб, Бангладеш - 95 %, Лаос - 93 %, Макао - 89 %, Комбоджа - 83 %, Покистон - 73 %, Шри-Ланка - 71 %, Непал - 61 %, Тунис - 46 %, Марокко - 43 %, Туркия - 38 %, Ҳиндистон - 30 % ва Руминия - 27 % салмоққа эга. Тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқарувчи ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг асосий рақиб ҳисобланган Хитойда бу кўрсаткич 12 фоизга тенг[57]. Умуман, тўқимачилик, тикувчилик ва чарм-пойабзал тармоқлари валюта тушумини Маврикияда 3/5, Португалияда 1/3, Руминияда 1/4, Италия, Литва ва Марокошда 1/5 қисмини беради. Шуни айтиш керакки, бу мамлакатлар ўзларининг пахта ва хом ипак ашёларига эга эмас, шунингдек, жун ва териға ҳам бой эмас[57].

Тўқимачилик саноати Республикамиз енгил саноатининг асосий тармоқларидан биридир. Тўқимачилик саноати корхоналарида кимёвий ва табиий толалардан биргаликда тайёрланган газмоллар, табиий ип, жун, ипак, каноп ва трикотаж газламалари ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик саноатининг ривожланиши жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Бу мақсадда АҚШ, Буюк Британия, Корея Республикаси, Туркия, Италия ва Ҳиндистон каби йирик мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил қилинмоқда.

Бу соҳани ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга эканлиги ва халқимизнинг сифатли тўқимачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида Республика Вазирлар маҳкамаси қарорига биноан тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожлантиришнинг 2010-2013 йилларга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилди[14]. Унга кўра Республика ҳудудида чет эл инвестициясини жалб этиш, тижорат банклари қарзи ва ўз маблағи ҳисобига 70 дан ортиқ объектларни техник қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва янги қурилишларни барпо этиш ишлари амалга оширилди. Натижада, 2013 йилда 174,3 минг тонна калава

ипи, 107,2 млн. м<sup>2</sup> тайёр ип газлама, 25,1 млн. м<sup>2</sup> нотўқима маҳсулотлар, 104,1 млн. дона трикотаж маҳсулотлари, 22500 минг жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 2013 йил жами 29 та корхона ишга туширилиб, натижада, тайёр маҳсулот турларини аввалги даврга нисбатан 1,8 марта, ип газламалари 1,26 марта, трикотаж буюмлари 1,2 марта, пайпоқ маҳсулотлари 2,5 марта, тайёр тикувчилик маҳсулотлари 2,9 марта ўсишига эришилди[57]. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарида импортни ўрнини босадиган маҳсулот турларидан 50 дан ортиғини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. 2013 йили 2012 йилга нисбатан Республика ҳудудида четдан келтириладиган маҳсулотлар ҳажми 95%га қисқарди. Шу жумладан, фақат трикотаж маҳсулотларидан 1000 дан ортиқ турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Аҳолининг тайёр маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжини қондириш мақсадида 400 тадан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳар бири кичик партияларда, ўртача 1124,6 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди[57].

Импортнинг ўрнини босувчи хом ашё, материаллар ва истеъмол молларини 2013 йилда аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 102,9%га, ёки 14,0 млн. АҚШ долларига ортиқ ишлаб чиқарилди. Республикамизда ишлаб чиқарилган енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш 1994 йилга нисбатан 25 марта ортди. Экспорт ҳажми умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 70,2%ни ташкил этди.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК инвестицияларни фаол жалб қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминламоқда. 2013 йилда компания томонидан 1734,9 млрд. сўмлик маҳсулот сотилди, яъни 2012 йилга нисбатан ўсиш суръатлари 120 %ни ташкил қилди. Шунингдек, 607,2 млрд. сўмлик кенг истеъмол моллари ўз харидорларини топди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 33,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ҳажми эса, 419,9

млрд. сўми ташкил қилди. Экспортнинг умумий ҳажмида тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотлари улуши 14,4 %га тенг бўлди[50].

## 2.1-жадвал

### “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарида 2009-2013 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми динамикаси

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2013й. 2009й.га нисб.%
Пахта калава ипи	минг тонна	162,0	153,6	175,0	146,8	174,3	107,6
Тайёр ип газлама	млн. м <sup>2</sup>	100,4	94,5	110,0	96,1	107,2	104,0
Нотўқима газлама	млн. м <sup>2</sup>	22,6	27,9	34,0	22,9	25,1	111,1
Тиббиётда ишлатилади ган пахта	минг тонна	7,1	8,4	12,0	10,0	10,8	152,1
Гидам	минг	285,0	-	-	-	-	-
Ипак тола ипи	тонна	770,7	700,0	774,0	902,8	854,0	110,8
Трикотаж матоси	тонна	12633	12491,0	14000,0	25000,0	32800	259,6
Трикотаж буюмлар	млн. дона	50,9	52,5	60,4	92,7	104,1	204,5
Пайпоқ маҳсулотлари	минг жуфт	8996	5985	7770	13600	22500	250,1
Тикувчилик маҳсулотлар и улгуржи нархларда	млн. сўм	14212,1	11670,0	13000,0	29800,0	45800,0	322,3
Чинни буюмлар	млн. сўм	295,0	-	-	-	-	-
Экспорт	млн. долл.	375,3	385,2	423,5	660,5	705,3	187,9

Манба: “Ўзбекенгилсаноат” ДАК маълумотлари

Компаниянинг маҳсулот экспорт қилиш геграфияси йил сайин кенгайиб бормоқда. 2013 йил компания таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 43 та давлатга, ЕИ ва МДХ давлатлари, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, БАА ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинди. Хусусан, экспорт ҳажми

Туркияга – 19 %ни, ЕИ мамлакатларига - 15,0 %ни, Жанубий Кореяга – 5 %ни, Хитой халқ Республикасига – 16 %ни, МДХ давлатларига - 37,0 %и, 6 %и эса бошқа давлатларга жўнатилди

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мураккаб, кўп босқичли технологик жараёндир. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий муаммо кирувчи ва чиқувчи маҳсулот сифатидадир. Ип йигириш ва тўқувчилик корхоналарига келтириляётган толанинг 20-30 фоизи узилиш юки ва турли хил ингичкаликка эгалиги билан маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Деярли барча маҳаллий эски ускуналар билан жиҳозланган ип йигириш ва тўқувчилик корхоналарида жаҳон бозори талабидаги сифатли маҳсулот етиштиришга имкон бермаяпти. Бу эса уз навбатида корхоналарнинг экспорт имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва сифатнинг махсус сертификатларига эга тўқувчилик қўшма корхоналари сифатли хом ашёга эга бўлган ҳолда, жаҳон бозорларида рақобат қилиш имкониятига эга. 2009 йилдан 2013 йилга қадар Ўзбекистонда ишлаб чиқариляётган калава ипнинг Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилиш ҳажми, шу мамлакатларга импорт қилинаётган калава ип ҳажмида 0,35% дан 9% га ўсди[50].

Ҳозирги вақтда Республиканинг эски ускуналар билан жиҳозланган корхоналарида ишлаб чиқариляётган калава ипнинг 20 фоизи ички бозорда истеъмол қилинади, ҳамда унинг техник сифати паст даражада бўлиб, ип ва аралаш газмоллар ишлаб чиқаришнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади, омборларда сифатсиз маҳсулотларнинг захирасининг кўпайишига олиб келади.

Ўзбекистонда ип газламалар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ускуналар билан жиҳозланган қўшма корхоналар нисбатан кам. Шу сабабли, ип газламаларнинг асосий қисмини маҳаллий корхоналар эски ускуналарда тараш усулида олинган чизиқий зичлиги 18-50 Текс бўлган ип

(кардная пряжа)дан ишлаб чиқармоқда. Бу эса ассортиментни кенгайтиришга имкон бермайди, жумладан нафис ипак газлама (шифон), штапел, мадеполам, эркаклар кўйлаги учун газлама кабилар.

Ип газламалар, трикотаж матонинг сифати хом матони оқартириш ва бўяшнинг технологик жараёнларига боғлиқдир. Сифатли химикатлар ва бўёқ моддалари билан боғлиқ муаммолар импорт (Россия, Германия, Швейцария, Чехия, Ҳиндистон) ҳамда локализация ("Крахмал" АЖ да ишлаб чиқариладиган техник крахмал) ҳисобига ҳал қилинаётган бўлсада, уларнинг қиймат омиллари кўпгина корхоналар учун етарли даражада юқори.

Хорижда таркибида 35 фоизгача синтетик кўшимачаларга эга бўлган газмол 100 фоиз табиий ҳисобланади. Нитрон толалардан ташқари, барча турлардаги (вискоза, лавсан, яримэфир толалар, эластик, спандекс ва бошқалар) импорт қилинади. Республикада аралаш газмоллар ишлаб чиқаришнинг газмоллар ва матолар ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 0,2 фоизни ташкил қилади. Харидорлар талабига жавоб берувчи эркаклар кўйлаги учун аралаш газмолларнинг ишлаб чиқарилмаслиги тикувчилик корхоналарида ишлаб чиқаришнинг кенгайтириши ва ривожланишига салбий таъсир этади ҳамда ташкил бўлган дефицит арзон импорт тайёр буюмлари ҳисобига қопланади.

Тўқимачилик саноатининг кейинги ривожланиши трикотаж - тикувчилик тармоғи ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда "Ўзбекенгилсаноат" ДАК корхоналари ишлаб чиқариётган маҳсулотлар умумий ҳажмида тайёр трикотаж - тикувчилик маҳсулотлари 23 фоизни ташкил қилади. Сифатли тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда бошқа омиллар билан биргаликда инсон омили ҳам асосий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва бозорда унга бўлган талаб маркетинг тадқиқотларига таянган ҳолда, дизайнер ва модельерларга боғлиқдир[57].

Тармоқдаги асосий муаммоларни ҳал этишга тўқимачилик саноатидаги ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ҳам таъсир этади. 2013йил кўрсаткичларга кўра "Ўзбекенгилсаноат" ДАК таркибида 285 та корхона бўлиб, уларнинг 65 фоизи янги технологик ускуналар билан жиҳозланган бўлса, улардан 70 таси йиғириш-тўқишга ихтисослашган, 74 тасида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади (2-жадвал).

## 2.2-жадвал

### Тўқимачилик корхоналарининг замонавий ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси

Тармоқ номи	Корхоналарнинг сони	Шу жумладан			
		Эски ускуналар	фоизда	Замонавий ускуналар	фоизда
Йиғириш-тўқиш	134	64	47,8	70	52,2
Трикотаж-тикувчилик	116	42	36,2	74	63,8
Ипакчилик	35	19	54,2	16	45,8
"Ўзбекенгилсаноат" ДАК бўйича	285	100	35	185	65

Манба: "Ўзбекенгилсаноат" ДАК маълумотлари

Охириги йилларда йиғириш тармоғи корхоналарига хорижий инвестицияларнинг жалб қилинганлиги бу тармоқда замонавий ускуналар билан жиҳозланганлик даражасининг юқорилигига сабаб бўлмоқда. Пахта йиғириш соҳасига замонавий чет эл технологияларини қўллаш ускуналарнинг унумдорлигини оширишга йўналтирилгандир [50].

2010 йили тармоққа 63,76 млн. АҚШ доллари қийматидаги хорижий инвестициялар жалб қилиниб, ушбу маблағлар Андижондаги "Миматаш текстил" ХК (собик "Ойим текстил" ҚК), "ДЭУ Текстил Бухоро" ХК, "ДЭУ Текстил Фарғона" ХК, Жиззахдаги "Фориж текстил" ҚК ҳамда Тошкентдаги "Байтекс тижарет" ХК ва бошқа корхоналар томонидан ўзлаштирилди.

2011 йил Тошкент шаҳрида "БО Групп" (Туркия) йиғириш ва тўқиш корхонаси ташкил этилди. Корхонага 7 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилди, йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5 минг тоннани, экспорт ҳажми эса 10 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

2010-2012 йилларда Қўқон шаҳрида йилига 18 минг тонна қувватга эга “Индорама” (Сингапур) йигириш корхонаси ишга туширилди. Мазкур лойиҳага 55 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ажратилган бўлиб, йиллик маҳсулот экспорти ҳажми 32 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

2011-2012 йилларда Тошкент вилоятида “ТТГ” (Корея) йигирув, тўқув, тикув корхонасини ташкил этиш лойиҳалаштирилган. Мазкур лойиҳага 70 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилиб, йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10 минг тоннани, экспорт ҳажми эса 45 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

2011-2013 йилларда Бухоро шаҳрида “Санфлаг Групп” (Буюк Британия) йигирув, тўқув, тикув корхонаси ишга туширилди. Мазкур лойиҳага 53 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялари киритилиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 20 минг тоннани ташкил этади.

2013 йил асосий маҳсулотдан ташқари компания корхоналари томонидан 607,2 млрд. сўмлик аҳоли истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Товарлар ассортиментининг тубдан яхшиланиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори ликвидлиги таъминланди. Ҳозирги кунда Республикамиз энгил саноат корхоналари томонидан 300 дан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, шундан 247 тури трикотаж маҳсулотлари бўлиб, уларнинг умумий қиймати 4,23 млрд. сўмни ташкил қилади. Маҳсулот моделлари, фасонлари ва газмоллар, трикотаж, пайпоқ ва тикувчилик маҳсулотлари 40-70 фоизга янгиланди. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибида 120 та қўшма корхоналар фаолият олиб бораётган бўлиб, мазкур корхоналарга ИСО 9000 сериясидаги халқаро стандартларга асосланган сифат менежменти тизими жорий этилган, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80% и экспорт қилинади[50].

Бугунги кунда тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш ва шунинг асосида ички бозор

эҳтиёжини тўлароқ қондиришга жиддий эътибор берилмоқда. Лекин, шу билан бирга таъкидлаш жоизки, ушбу тармоқ корхоналари маҳсулотларига бўлган Республика аҳолисининг эҳтиёжи, афсуски хориж моллари ҳисобига қондирилмоқда. Намунани танлаш, рақобатбардошликни таҳлил қилишнинг энг маъсулиятли вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу босқичда юқорида таъкидланганидек, хатога йўл қўйиш жами иш натижаларини йўққа чиқариши мумкин. Намуна таҳлил қилинадиган товар мансуб бўлган товарлар гуруҳидан, шу бозорга хосроқ кенг доирада харидорлар ҳурматини қозонган бўлиши лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, бозорга чиқариш мўлжалланаётган товар билан бозорда бўлган товарнинг параметрлари шунчаки оддий қиёсланадиган бўлса, рақобатчи товарлар харидорлар эҳтиёжларини қай даражада қондира олиши ҳамда харидорларнинг келажакдаги талабларига қай даражада жавоб бера олиши масаласи эътибордан четда қолади. Ҳар қандай лойиҳа энг мукаммал маънода истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини аниқ ифодалашдан бошланмоғи лозим. Бунинг учун жамлама параметрик индекс ҳисобланади.

Тўқимачилик корхоналари маҳсулотларининг рақобатбардошлигига баҳо бериш мақсадида «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонаси танлаб олинди. Корхона Шахрисабз шаҳрида жойлашган бўлиб, 2002 йил собиқ банкрот корхона «Оқсарой тўқимачи» ЛТД қўшма корхонаси ишлаб чиқариш қувватлари негизида ишга туширилган.

Корхона калава ип, хом трикотаж матоси ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, устав капитали 1655,8 минг АҚШ долларини ташкил этади. Корхонага асосан, Япония ва АҚШ давлатларининг 2001 йилда ишлаб чиқарилган технологиялари ўрнатилган бўлиб, асосий ишлаб чиқариш фондларининг умумий қиймати 50801698 минг сўмни, машина ва механизмлар қиймати эса 35574982 минг сўмни ташкил этади[57].

## 2.3- жадвал

### «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасининг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси

т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2011й	2012й.	2013й.
1.	Маҳсулот ҳажми: - Калава ип - Хом мато	тонна тонна	4002,1 241	4602,4 291,9	5614,9 379,1
2.	Қувватдан фойдаланиш даражаси	%	90,1,	91,7	93,4
3.	Товар маҳсулоти	минг сўм	1410500,4	1664390,1	2080487,5
4.	Экспорт	минг АҚШ долл.	4681,2	5617,4	7190,3
5.	Ялпи фойда	минг сўм	130300	142542	181221,2
6.	Соф фойда	минг сўм	83200	95680	114816
7.	Жами дебиторлик қарзлари	минг сўм	303600	340100	391300
8.	Жам кредиторлик қарзлари	минг сўм	481600	544208	500671,4
9.	Тайёр маҳсулот қолдиғи	тонна	215	247,2	396,7
10.	Ишчилар сони	киши	600	624	658

2.3-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2011-2013 йилларда «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида натура бирликларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми калава ипи бўйича 1612,8 тоннага ёки 140%га ортган. Корхонанинг экспорт салоҳияти эса 153,5%га ортган. Худди шундай ҳолатни корхонанинг ялпи фойдаси ва соф фойдаси кўрсаткичларида ҳам кузатишимиз мумкин. Корхонанинг ялпи фойдаси 2011-2013 йилларда 139%га, соф фойдаси эса 138,1% га ортган. Бу албатта, ижобий ҳолат, корхонада асосан, 2001 йилда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар ўрнатилган, ишлаб чиқариш қувватидан деярли тўлиқ фойдаланилмоқда. Аммо, ҳисобот даврида тайёр маҳсулот қолдиғи ҳажмининг ҳам ортиб бораётгани корхона учун салбий ҳолат ҳисобланади. Тайёр маҳсулот қолдиғи 2011 йил жами

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 5,1 %ни ташкил этган бўлса, 2013 йил бу кўрсаткич 6,6% ни ташкил этди [57]. Бу эса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини, уларнинг рақобатбардошлигини таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради (2.4-жадвал).

#### 2.4-жадвал

#### «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида маҳсулот сифати даражасининг йиллик динамикаси (2013й.)

т/р	Ойлар	Жами ишлаб чиқарилган маҳсулот, кг	Яроқсиз ишлаб чиқарилган маҳсулот, кг	Яроқсиз ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг салмоғи, %
1	Январь	182831,4	7678,9	4,2
2	Февраль	119738,5	5029	4,2
3	Март	222396,6	9340,7	4,2
4	Апрель	746883,6	8215,7	1,1
5	Май	877936,4	45652,7	5,2
6	Июнь	693251,7	3604,9	5,2
7	Июль	353443,4	18025,6	5,1
8	Август	395779	17810,1	4,5
9	Сентябрь	522840	23527,8	4,5
10	Октябрь	229920,2	10346,4	4,5
11	Ноябрь	875426,7	40269,6	4,6
12	Декабрь	773552,1	34809,8	4,5
	Жами 2013 йил	5994000	257700	4,3

Май ойида энг юқори кўрсаткичга эришилган, 877936,4кг маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич ўртача ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш

ҳажмига нисбатан 175,8 % ни ташкил этади. Апрель, июнь, ноябрь, декабрь ойларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми юқори бўлган.

Ойлар кесимида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бир текис эмаслиги, уларнинг орасидаги кескин фарқнинг бўлиши корхонанинг бир маромда ишламаётганини, ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш ритмининг бир маромда эмаслиги ўз навбатида яроқсиз маҳсулотларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Корхонада яроқсиз ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқадиган бўлсак, энг юқори кўрсаткичлар май, июнь ва июль ойларида кузатилиб, 5,1 - 5,2 %ни ташкил этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан яроқсиз ишлаб чиқарилган маҳсулот ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қиладиган бўлсак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан яроқсиз ишлаб чиқарилган маҳсулот салмоғининг ҳам ортганини кўришимиз мумкин, жумладан май, июнь ва июль ойларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми энг юқори бўлган. Аммо бундай хулосага келишимиз ҳам бутунлай тўғри бўлмайди, чунки апрель ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртача ойлик кўрсаткичга нисбатан 149,5 %ни ташкил этганига қарамадан яроқсиз ишлаб чиқарилган маҳсулот салмоғи энг паст даражада бўлиб, 1,1 %ни ташкил этган.

«Oq' saroy textile» МЧЖ корхонаси маҳсулотининг рақобатбардошлигини баҳолаш, жамлама параметрик индексни ҳисоблаш учун уч хил параметрлар гуруҳларини ажратиб олдик: техник, иқтисодий ва ташкилий. Ҳар бир параметрик кўрсаткичлари бўйича бирлик параметрик кўрсаткичи, формула ёрдамида ягона параметрик кўрсаткичлари аниқланди ва натижалар 3- жадвалга жамланди. Намуна товарники: барча кўрсаткичлари бўйича  $J_{ин} = 1$ .

Биринчи навбатда, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини аниқлаймиз. Харидор эҳтиёжларини маҳсулотнинг истеъмол хоссалари билан қониқиш

даражасини баҳолашда жамлама параметрик индекс  $J_{ли}$  қўлланилади. Унинг киймати параметрлар бўйича қуйидагига тенг бўлади(2.4-жадвал).

### 2.5-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	Бирлик	Миқдори	Кўрсаткич салмоғи, $A_{il}$	Ягона параметрик кўрсаткич, $Q_{il}$
1-тур маҳсулот					
1	Техник	Балл	80	0,45	0,80
2	Иқтисодий	Балл	90	0,30	0,90
3	Ташкилий	Балл	70	0,25	0,70
2-тур маҳсулот					
1	Техник	Балл	82	0,45	0,82
2	Иқтисодий	Балл	90	0,30	0,90
3	Ташкилий	Балл	75	0,25	0,70
3-тур маҳсулот					
1	Техник	Балл	76	0,45	0,76
2	Иқтисодий	Балл	92	0,30	0,92
3	Ташкилий	Балл	76	0,25	0,76
4-тур маҳсулот					
1	Техник	Балл	88	0,45	0,88
2	Иқтисодий	Балл	90	0,30	0,90
3	Ташкилий	Балл	76	0,25	0,76

Манба: ИСО 9000 стандартлари

А) Техник параметрлар бўйича

$$J_{t1} = 0,45 * 0,80 = 0,36$$

$$J_{t2} = 0,45 * 0,82 = 0,37$$

$$J_{t3} = 0,45 * 0,76 = 0,34$$

$$J_{t4} = 0,45 * 0,88 = 0,40$$

Б) Иқтисодий параметрлар бўйича

$$J_{31} = 0,30 * 0,90 = 0,27$$

$$J_{32} = 0,30 * 0,90 = 0,27$$

$$J_{33} = 0,30 * 0,92 = 0,28$$

$$J_{34} = 0,30 * 0,90 = 0,27$$

В) Ташкилий параметрлар бўйича

$$J_{T1} = 0,45 * 0,25 / 0,30 = 0,375$$

$$J_{T2} = 0,45 * 0,25 / 0,30 = 0,375$$

$$J_{T3} = 0,45 * 0,25 / 0,30 = 0,375$$

$$J_{T4} = 0,45 * 0,25 / 0,30 = 0,375$$

Истеъмол ва иқтисодий параметрлар бўйича йиғма рақобатбардошлик индекси маҳсулотнинг намунага нисбатан нисбий рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичини беради. Бу кўрсаткич қиёс қилинаётган маҳсулотнинг истеъмол самаралари ўртасидаги фарқни акс эттиради. Бу кўрсаткич ушбу модел учун қуйидагига тенг бўлади:

$$K_{T1} = 0,36 * 0,375 / 0,27 = 0,5$$

$$K_{T2} = 0,37 * 0,375 / 0,27 = 0,51$$

$$K_{T3} = 0,34 * 0,375 / 0,28 = 0,46$$

$$K_{T4} = 0,40 * 0,375 / 0,27 = 0,56$$

Агар  $K$  бирдан катта бўлса, намуна рақобатбардошлик кўрсаткичи бўйича таҳлил қилинаётган товардан устун бўлади, бирдан кичик бўлса, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги намунага нисбатан юқори бўлади, бирга тенг бўлса, бир хил даражада бўлади.

$K_T$  бирдан кичик бўлгани сабабли «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарилаётган техник мато жаҳон стандартларига жавоб бермайди ва рақобатбардош ҳисобланмайди.

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш ҳаражатларини, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсирини таҳлил қилиш,

шунингдек, ИСО 9000 сериясидаги халқаро стандартларга асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

## **2.2. Тўқимачилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш омилларининг таҳлили**

Бозор иқтисоди шароитида қандай, қанча ҳажмда ва ким учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қандай ҳаражатлар билан ишлаб чиқарилаётганлиги ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархида моддий сарф-ҳаражатлар юқори салмоқни эгаллайди. Моддий сарф-ҳаражатларнинг 60-85% ини эса хом ашёга кетган ҳаражатлар ташкил этади. Хом ашёдан рационал фойдаланиш фақат корхона фаолиятини яхшилабгина қолмай, балки Республика иқтисодий салоҳиятини оширишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Хом ашёдан фойдаланиш даражаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ҳам таъсир этади. Хом ашёдан қанчалик оқилона фойдаланилса, унга бўлган эҳтиёж камаяди, чунки бир хил ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда сарфланадиган хом ашё миқдори камаяди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳозирги кунда тўқимачилик корхоналарида 1% хом ашё тежалса, 6,2 млн. метр қўшимча тўқима ишлаб чиқариш мумкин. Хом ашёдан рационал фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтиришга эришилади.

Тўқимачилик корхоналарида таннархни пасайтиришга таъсир кўрсатувчи энг асосий омил хом ашё ва асосий материаллардан оқилона фойдаланиш, хом ашё сарфини қисқартириш омилдир.

Хом ашё ва асосий материаллардан фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад, ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланишда ортиқча сарф-ҳаражатларга йўл қўйилган бўлса, маҳсулот ҳажми қанчага кам ишлаб чиқарилганлиги ёки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида қанча қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажминини

аниқлашдан, шунингдек хом ашё сарфига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашдан иборатдир. Уларни қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

-корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги учун белгиланган ҳаражат меъёрини хом ашё ва асосий материалларга кетган ҳақиқатдаги ҳаражат билан таққослаш орқали;

-эришилган иқтисод ёки ортиқча ҳаражатни ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий миқдорига кўпайтириш орқали;

- хом ашё ва асосий материалларни сарфлаш натижасида юзага келган ортиқча ҳаражатни режа бўйича кўзланган ҳаражат меъёрига бўлиш орқали.

Шу тартибда хом ашё ва асосий материаллардан самарали фойдаланиш натижасида эришилган иқтисод асосида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот, ёки улардан тежаб-тергаб фойдаланмаслик оқибатида ортиқча ҳаражатларнинг юзага келиши заминида ишлаб чиқарилмай қолган маҳсулот ҳажмини аниқлаш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнида хом ашё ва асосий материаллар миқдори ва уларнинг ўзгаришига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг амалдаги ҳажми ва таркиби бўйича ҳисобланган амалдаги моддий ҳаражатларнинг режасига нисбатан четга чиқишга сабаб бўлган барча омилларнинг жами таъсири 3 та асосий омиллар кўринишида намоён бўлади: яъни меъёр ҳисобига, баҳо ҳисобига, ва маҳсулот турларини алмаштириш ҳисобига. Биринчи омилга, яъни битта маҳсулотга сарф қилинадиган материалнинг вужудга келган амалдаги меъёрларининг режадагига нисбатан четга чиқишлари ўз навбатида қуйидагиларнинг режага нисбатан ўзгаришига олиб келади:

- маҳсулотга кетадиган материал сарфининг ўзгаришига;

- маҳсулот учун фойдаланиладиган материаллардан чиқадиган чиқиндиларнинг ўзгаришига;

- технологик жараёнда юзага келадиган чиқиндиларнинг ўзгаришига.

Иккинчи омил, яъни сарф қилинган материалларнинг амалда вужудга келган баҳосининг режадагига нисбатан четга чиқиши, ўз навбатида таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар натижасига таъсир кўрсатиб, қуйидаги кўрсаткичларнинг ўзгаришига сабаб бўлади:

- материалларнинг сотиб олиш баҳосига, шу жумладан транспорт харажатларининг ўзгаришига;

- қайта ишланадиган чиқиндилар ўртача баҳосини ўзгаришига.

Бундай механизм корхонани ривожлантириш учун таъсирчан ички омилларни таъминлайди, истеъмолчи учун ишлашга, хом ашё ва асосий материалларни бутун чоралар билан тежашга, фан ва техника ютуқларини кенг қўллашга ундайди.



**2.1 -чизма. Махсулот таркибидаги хом ашё ва асосий материалларга кетган харажатларни пасайтиришга таъсир этувчи омиллар**

Тўқимачилик корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш таннархида хом ашё сарфи энг катта салмоқни ташкил этгани сабабли ҳам, тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда хом ашё сарфини қисқартиришга имкон берадиган илғор технологик жараёнларни тадбиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Тўқимачилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш мақсадида «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқариш жараёнида юзага келган ҳаражатларни қиёсий таҳлил қиламиз[51].

## 2.6-жадвал

### «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи билан боғлиқ ҳаражатлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013йил режа	2013йил ҳисобот	Ҳисобот режага нисбатан, % да
Маҳсулот ҳажми	кг	5058228	5994000	118,5
Хом ашё	кг	5301022,9	6251742,1	117,9
Чиқинди	кг	242794,9	257742,1	106,2
1кг хом ашёнинг баҳоси	сўм	3950	4500	113,9
1кг чиқиндининг баҳоси	сўм	665	665	100,0

2.6-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 118,5 %га бажарилган, яъни режада кўзда тутилганидан 935772 кг кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шу билан бирга, хом ашё сарфи ҳам ортган, режада кўзда тутилганидан 950719,2 кг ортиқча хом ашё сарфланган, лекин маҳсулот бирлигига тўғри келадиган хом ашё сарфи 1,048 кг дан 1,043 кг га қисқарган ( $1,048 - 1,043 = 0,005$ ), натижада хом ашёдан ( $0,005 * 5994000 = 29970$ ) 29970 кг иқтисод қилишга эришилган. Хом ашёнинг иқтисод қилиниши ҳисобига қўшимча ( $29970 : 1,043 = 28734,4$ ) 28734,4 кг маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилган.

1 кг калава ипининг 8500 сўм эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, корхонада хом ашё сарфи омили ҳисобига ( $8,500 * 28734,4 = 244242,6$ ) маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини 244242,6 минг сўмга қисқартиришга эришилган.

Маҳсулот таннархига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан яна бири хом ашё ва материаллар баҳоси омилидир.

«Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида хом ашё бирлигининг баҳоси режа бўйича 3950 сўм режалаштирилган эди, ҳақиқатда эса 4500 сўмни ташкил этди. Хом ашё баҳосининг кўтарилиши ҳисобига маҳсулот таннархига кирувчи хом ашё ва асосий материалларга кетган ҳаражатлар қиймати  $3,950 * 5301022,9 = 20939040$  минг сўмга ортди. Шу билан бирга, чиқиндилар миқдорининг ортиши ҳисобига чиқиндилар қиймати ҳам  $0,665 * 242794,9 = 161458,6$  минг сўмдан  $0,665 * 257742,1 = 171398,5$  минг сўмга ортган.

Хулоса қиладиган бўлсак, корхонада маҳсулот таннархини пасайтиришга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлилига асосланиб, моддий сарф-ҳаражатларни қисқартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш ички имкониятларидан биридир.

## **2-боб бўйича хулоса**

1. Тўқимачилик саноати аҳолига халқ истеъмоли товарлари етказиб берадиган етакчи тармоқлардан ҳисобланади.

2. Бугунги кунда тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш ва шунинг асосида ички бозор эҳтиёжини тўлароқ қондиришга жиддий эътибор берилмоқда.

3. Харидор эҳтиёжларини маҳсулотнинг истеъмол хоссалари билан қониқиш даражасини баҳолашда жамлама параметрик индекс  $J_{ли}$  дан

фойдаландик. «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонаси маҳсулотларини техник, иқтисодий, ташкилий параметрлар бўйича баҳоладик.

4. Баҳолаш натижаларига кўра  $K_T$  бирдан кичик бўлгани сабабли «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бермайди ва рақобатбардош ҳисобланмайди.

5. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш ҳаражатларини, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсирини таҳлил қилиш, шунингдек, ИСО 9000 сериясидаги халқаро стандартларга асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

6. Моддий ҳаражатлар ўзгаришининг маҳсулот таннархига таъсирини тавсифловчи омилларни 3та гуруҳга: хом ашё сарфи омили, баҳо омили ва маҳсулотнинг структура силжишлари омилларига ажратиш мумкин.

7. «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида режада кўзда тутилганидан 950719,2 кг ортиқча хом ашё сарфланган, лекин маҳсулот бирлигига тўғри келадиган хом ашё сарфи 1,048 кг дан 1,043 кг га қисқарган, натижада хом ашёдан 29970 кг иқтисод қилишга эришилган.

8. Хом ашёнинг иқтисод қилиниши ҳисобига кўшимча 28734,4 кг маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилган.

9. Хом ашё баҳосининг кўтарилиши ҳисобига маҳсулот таннархига кирувчи хом ашё ва асосий материалларга кетган ҳаражатлар қиймати 939040 минг сўмга ортган.

10 Хулоса қиладиган бўлсак, корхонада маҳсулот таннархини пасайтиришга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлилига асосланиб, моддий сарф-ҳаражатларни қисқартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш ички имкониятларидан биридир.

## **Ш-БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШ**

### **3.1. Корхона рақобатбардошлигини ошириш омиллари**

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги унинг турдош маҳсулотларга нисбатан устунликка эга эканлиги, жумладан сифат кўрсаткичларининг юқорилиги ва ишлаб чиқариш ҳаражатларининг нисбатан паст даражада бўлиши билан тавсифланади.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ўз навбатида корхонанинг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Корхонанинг рақобатбардошлиги ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа турдаги корхона фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланиш, уларнинг мақсадга мувофиқ ҳолда самарали тақсимланиш ва ишлатилиши, бошқа хўжалик субъектлари билан ўзаро молиявий муносабатларда тўловга қодирлиги ҳамда молиявий барқарорлиги билан характерланади. Корхонанинг ўз вақтида тўловларни амалга ошириши унинг молиявий ҳолати яхшилигидан далолат беради.

Корхонанинг молиявий ҳолати унинг ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятидаги натижаларига боғлиқ. Юқори сифатли маҳсулотни тўхтовсиз ишлаб чиқариш ва айирбошлаш корхона молиявий ҳолатига ижобий таъсир қилади. Ишлаб чиқариш жараёнидаги узилишлар, маҳсулот сифатининг ёмонлашуви, айирбошлашнинг мураккаблиги корхона ҳисобига келиб тушувчи воситаларнинг камайишига олиб келади. Бунинг натижасида тўловга қодирлик ёмонлашади. Тескари боғлиқлик ҳам мавжуд, бунда пул маблағларининг йўқлиги моддий ресурслар билан таъминланганликда, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида тўхтаб қолишларга олиб келади.

Бугунги кунда тўқимачилик корхоналарининг тўловга қодир эмаслиги ва зарарга ишлашига бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда.

*Биринчи гуруҳ омиллари* тармоқнинг пахта толасини етказиб берилишига боғлиқлигини ифодаловчи омиллардир.

Тармоқ корхоналарининг молиявий натижаларини хом ашё баҳоси ўзгаришларига қаттиқ боғлиқлиги омили биринчи навбатда, маҳсулот таннархи таркибида хом ашёнинг улуши 80% дан ортиқроқни ташкил этадиган йигирув-тўқув корхоналарининг молиявий натижаларига таъсир кўрсатади.

Тайёр маҳсулот таннархига энг кўп таъсир этувчи омил асосий хом ашё қийматидир. 2007 йил ҳосилига қадар кўпчилик “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналари пахта толасининг ҳар бир тоннасини 610 минг сўмдан олганлар. Фақат 6 та кўшма корхонагина хом ашёни ЭКВларда олганлар. 2007 йилдан бошлаб барча кўшма корхоналар пахта хом ашёсини ЭКВларда сотиб ола бошладилар. Шу билан бирга, пахта толасини - хом ашё биржалари орқали сотилиши натижасида пахтани сотилиш баҳоси 2 марта кўтарилиб кетди.

Пахта толасини сотиб олишда имтиёзларнинг бекор қилиниши ва чегирмаларнинг қисқариши оқибатида “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналари катта зарар кўрдилар ва бу ҳолат уларнинг ишлаб чиқариш, молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга сотиб олинган хом ашё учун ҳисоблашиш механизмидаги камчиликлар ҳам молиявий ҳолатнинг ёмонлашишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли Қарорига мувофиқ ташқи савдо компаниялари орқали пахта толасини сотишнинг 100% ҳақи тўланганда ёки банк кафиллиги остида хом ашёнинг 85% ҳақи тўланиб, қолган 15%ини 60 кун ичида тўлаш шarti билан янги механизм татбиқ этилди. Шу билан бирга, 100% ҳақ тўлаш учун айланма маблағларнинг етишмаслиги сабабли, кўшма корхоналар пахта толасини сотиб ололмайдилар.

*Иккинчи гуруҳ сабаблари* айланма ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқдир. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибидаги барча тўқимачилик корхоналарида айланма активлар тақчиллигини кўришимиз мумкин. Айланма маблағлар тақчиллиги асосан йигирув-тўқув ишлаб чиқаришида кузатилиб, 22,7 млрд. сўмни ташкил этапти. Бу эса ўз навбатида айрим корхоналарнинг, шунингдек тармоқнинг ҳам рақобатбардошлигига таъсир кўрсатади. Айланма активлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, тармоқ жорий активларининг катта қисми дебиторлик қарзларига ва келгуси даврлар ҳаражатларига жалб этилган. Улар ўз навбатида унинг хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергия етказиб берувчилар олдидаги қарзлар - кредиторлик қарзларининг ортишига олиб келади.

*Учинчи гуруҳ омиллари* корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланмаслик ва ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси билан боғланган.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибидаги тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан ўртача 70%га фойдаланилмоқда.

Дастгоҳларнинг тўлиқ қувватда ишламаслиги эса уларнинг тикланиш қийматини даромад ҳисобига қоплаш имкониятини бермайди. Бизнинг фикримизча, кўп ҳолларда янги дастгоҳларнинг қиймати, айниқса давлат кафолати остида амалга оширилган лойиҳалар бўйича, жуда юқори белгиланган. Бу эса янги, замонавий корхоналарнинг молиявий натижаларига салбий таъсир кўрсатади.

*Тўртинчи гуруҳ сабаблар* молиявий ҳаражатлар салмоғининг юқори даражадалиги билан боғлиқ. Тадқиқ этилаётган корхона «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида 2013 йил дебиторлик қарзлари 340100 минг сўмни, кредиторлик қарзлари эса 544208 минг сўмни ташкил этди. Айланма маблағларнинг етишмаслиги кўпинча, паст рентабелликда ишлаётган тўқимачилик корхоналарини йилига 20-25% лик қисқа муддатли банк кредитларидан фойдаланишга мажбур қилади. Бу эса корхоналарнинг

молиявий ҳолатини яна ҳам қийинлаштиради. Шунингдек, давлат олдидаги ва нодавлат фондлар олдидаги мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги оқибатида келиб чиқадиган молиявий санкциялар ҳам тўқимачилик корхоналарининг молиявий ҳолатини ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

*Бешинчи гуруҳ сабаблари* - тўқимачилик корхоналарига берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланилмаслик билан боғлиқ омиллардир. Давлат томонидан тўқимачилик корхоналарига жуда кўп имтиёзлар берилган бўлишига қарамай, уларнинг баъзилари бўйича амалга ошириш механизми йўқ. Масалан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга ЭКВ бўйича пахта толасини сотиб олиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг 80% дан кам бўлмаган қисмини экспорт қилганида 5% қўшимча имтиёз белгиланган. Мазкур имтиёз 2010 йил 1 январидан кучга кирганига қарамасдан, ҳозиргача қўшимча имтиёзни бериш тартиби ишлаб чиқилмаган, шу боисдан корхоналар бу имтиёздан фойдалана олмаяптилар.

Кўпинча, йирик тўқимачилик корхоналари солиқ юки ҳисобига катта йўқотишларга йўл қўймоқдалар. Даромад солиғи учун солиққа тортиладиган базани ҳисоблашда корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳаражатлари, хусусий транспорт ташиш хизматлари ҳаражатлари ҳам киради. Бу ҳам корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Тўқимачилик саноати хом ашё сарфини энг кўп талаб қиладиган тармоқлар қаторига кирганлиги сабабли, хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланиш ҳисобига корхонада ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш ва корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш ички имкониятлари мавжуд.

Бу тармоқлар маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида жаҳон тажрибасида кенг

тарқалган толлинг услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Толлинг - жаҳон савдо ташкилоти томонидан қонунлаштирилган, хом ашёни четдан келтириб, қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, уни хом ашё келтирилган мамлакатга қайтаришдир. Хом ашё четдан келтирилганда давлат назоратида бўлади, лекин бож ва солиқ олинмайди - бу ташқи толлинг. Ички толлингда хом ашё бир мамлакатнинг ичида бир ҳудуддан бошқа ҳудудга юборилади[50].

Ҳозирги кунда Хитой, Вьетнам ва Шарқий Европа мамлакатлари (Руминия, Болгария) толлинг услубидан кенг фойдаланмоқдалар.

Иқтисодий ҳисобларга кўра 1 кг пахтадан калава ип олиш учун 3-4 АҚШ доллар инвестиция ва 2 дан 6 минутгача меҳнат сарф бўлса, 1 кг хом ашёдан трикотаж-тикувчилик маҳсулотлари тикиш учун 1 доллар инвестиция ва 100-180 минут сарф бўлади. Бошқача айтганда, трикотаж-тикувчилик тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа тармоқларга нисбатан 4 марта кам инвестиция талаб қилинади, лекин 30-50 марта кўп меҳнат сарф қилинади[52].

Демак, толлингни бу тармоқда ишлатилиши Ўзбекистондаги долзарб масала - иш билан таъминланиш муаммосини қал қилишга имконият яратиши мумкин. Трикотаж, газлама ўзимизда ишлаб чиқарилса ва аксессуарлар (бичиш лекаласи, иплар, тугмачалар, ярим фабрикатлар, астарликлар ва бошқ.) буюртмачи мамлакатдан келтирилиб, тайёр маҳсулот уларга қайтарилиши мумкин.

Трикотаж-тикувчилик тармоқларида толлинг хизматлари бозорини юқори даражага кўтариш валюта тушумининг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган тикувчилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 55 фоизни ташкил этади, трикотаж тармоқларида эса бу кўрсаткич 50 фоизга тенг.

«Ўзбекенгилсаноат» мутахассисларининг баҳолаши бўйича толлинг хизматларини амалга ошириш натижасида тўқимачилик тармоқларида иш жойларини 60-70 минг кишига ошириш мумкин.

Толлинг жараёнларни амалга оширадиган тўқимачилик корхоналарини давлатга 50 фоиз валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилиниб, улар бу маблағларни ишлаб чиқариш мақсадлари учун йўналтириши лозим. Маблағларнинг жамғарилиши натижасида бундай корхоналар асосий фондларини юқори унумдор чет эл ускуналарига янгилаши ва юқори қўшилган қиймат билан мамлакат маҳсулотини рақобатбардошлигини ошириши мумкин[50].

Юқорида келтирилган ҳисобларнинг натижалари тўқимачилик саноат тармоқларини самарали ривожланиши учун қуйидаги омилларга эътибор беришни тақозо этади:

- замонавий бозор стратегияси ҳақидаги билимларга эга бўлган асосий бошқарув ва муҳандис-техник кадрлар билан таъминлаш;

- тармоқ корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар рақобатбардошлигини юқори даражага кўтариш;

- дизайн маркази ташкил этиш;

- товар ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиб жаҳон бозорларига чиқишини янада ривожлантириш.

Тўқимачилик саноат Ўзбекистон иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида тўқимачилик саноат тармоғининг улуши 19,4 фоизни ташкил қилади. Иқтисодиётнинг бу тармоғи юқори экспорт салоҳиятига эга, унда халқ эҳтиёжи учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва кўплаб иш жойларини яратиш имкониятлари мавжуд.

### 3.2. Моддий сарф-ҳаражатларни қисқартириш йўллари

Моддий сарф-ҳаражатларни қисқартириш йўллари тадқиқ этишни корхонага хом ашё келиб тушгандан бошлаш керак. Эътиборсиз юк тушириш, хом ашёни нотўғри сақлаш унинг бузилишига, чиқиндиларнинг кўп чиқишига, толанинг йиғирилиш хусусияти камайишига олиб келади. Хом ашёдан оқилона фойдаланиш усуллари турлича ва уларнинг ҳаммасини олдиндан кўриб чиқиш амалиётда мумкин эмас. Шу боисдан, магистрлик диссертация ишида хом ашё ва моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилашнинг асосий усуллари кўриб чиқиш билан чекланамиз.

Хом ашёни тўғри танлаш моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Йиғириш корхоналарида хом ашёдан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг сифати талаб даражасида бўлишини таъминлаш - хом ашё учун аралашманинг таркибини тўғри танлашда толага қуйиладиган талабни ҳамда аралашма баҳосини камайтириш имкониятларини ҳисобга олиш керак. Бунинг учун корхонада хом ашёдан ишчи аралашма тузилади. Ишчи аралашма намунавий аралашмага биноан тузилади. Тўқимачилик корхоналарининг йиғириш корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар икки хил типдаги машиналарда йиғирилади, яъни ҳалқали ва пневмомеханик йиғириш машиналарида №34, №40, №20, №25 иплар ишлаб чиқарилади. Масалан, №34 ва №40 ипларда бир хил аралашмадан фойдаланилади, унинг таркиби: 4-I=20%; 5-I=60%; 5-II=15,3% ва 4,7% қайтимдан иборат. Аралашмадан ип чиқиш салмоғи 87,28%ни ташкил этади. №50 ип пневмомеханик йиғириш машиналарида ишлаб чиқарилади ва ундаги аралашма таркиби қуйидагича - 4-I=20%; 5-I=60%; 5-II=17,7%; 2,3% қайтимдан ташкил топган бўлиб, аралашмадан ип чиқиши - 84,0%га тенг. Ҳалқали йиғириш машинасида ишлаб чиқарилаётган №34 ип учун аралашма таркиби қуйидагича 5-I=10%; 5-II=65%; 5-III=20,1% ва 4,9%

қайтим, бу аралашмадан ип чиқиш салмоғи 85,07%га тенг. Аралашма таркибини тўғри танлаш деганда толани йигириш имкониятидан яхши фойдаланиш тушунилади[50].

Пневмомеханик йигириш машинасида ишлаб чиқарилаётган №34 ип учун аралашма таркиби: 5-I=10%; 5-II=60%; 5-III=27,5% ва 2,5% қайтим, аралашмадан ип чиқиши 85,58%ни ташкил этади. №20 ип учун фойдаланилаётган аралашма таркиби куйидагича: 5-III=60%; 4-IV=15,4%; 5- IV=15,4% ва 3,2% қайтимдан, 6% тарандидан фойдаланилади ва аралашмадан ип чиқиши 81,45%га тенг. Бир хил миқдордаги толадан қанча кўп узунликда ип йигирилса, толанинг йигирилиш имкониятидан шунчалик яхши фойдаланилади ва бу иплардан кўпроқ миқдорда тўқима тўқилади ёки трикотажд матоси олинади[52].

Нисбатан арзон аралашмадан сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим масала ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, хом ашёдан самарали фойдаланиш хом ашё ресурсларининг ортишига тенг бўлади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг ҳажми ва сифати йигирув ишлаб чиқаришида хом ашёдан фойдаланиш даражаси, ипнинг ҳажми ва сифати билан белгиланади. 3.1-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, корхонада барча маҳсулот турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайган. Хом ашёдан фойдаланиш даражаси 2013 йилда ижобий бўлган.

Толанинг йигирилиш хусусияти унинг йўғонлиги, узунлиги, эгилувчанлиги ва пишиқлигига боғлиқ. Толанинг йигирилиш хусусияти фақат унинг ҳолатигагина эмас, балки технологик жараёнда фойдаланиладиган машиналарнинг янгилик даражаси ва техник ҳолатига ҳам боғлиқдир. Такмиллаштирилган ва янги технологияни жорий этиш бир хил миқдордаги хом ашёдан ингичкароқ ип йигириш имконини беради.

Хом ашёдан фойдаланишни яхшилашнинг яна бир усули чиқиндилардан самарали фойдаланишдир. Аралашма таркибини арзонлаштириш ва хом ашёга бўлган эҳтиёжни камайтиришда чиқинди - қайтимлардан, яъни аралашмадан қайта фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, бунда баъзи чиқиндилардан қайта фойдаланилади.

### 3.1-жадвал

#### «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида хом ашёдан фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси

Номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013 йилга нисбатан, %	
		2011й.	2012й.	2013й.	2011й.	2012й.
Калава ип	тн.	4002,1	4602,4	5614,9	140,3	122,7
Пахта толаси	тн.	3309,7	3879,8	4868,1	147,1	125,5
Аралашма	тн.	3357,8	3838,4	4856,9	144,6	126,5
Аралашмадан ип чиқиши	%	82,7	84,03	86,7	101,6	102,0
Толадан ип чиқиши	%	83,9	83,4	86,5	99,4	103,7
Трикотаж матоси	тн.	241	291,9	379,1	157,3	129,9
Ипдан трикотаж матоси чиқиши	%	95,8	96,1	97,8	102,1	101,8

Йигириш мумкин бўлган чиқиндилардан ҳар хил фойдаланилади: чиқиндига чиққан аралашмадан, ёки бошқа аралашмадан, ундан йўғонроқ ип ёки тиббий пахта ёки қайта ишланган ип ва бошқалар ишлаб чиқарилиши мумкин.

Хом ашёдан - толадан ип чиқишини ошириш, ундан фойдаланишни яхшилашнинг яна бир усули техник меъёрларни жорий этиш ҳисобланади. Бир хил технологик ва ташкилий ҳолатда чиқиндиларни камайтириш ҳам бир хил ҳажмдаги хом ашёдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Чиқиндилар чиқишини камайтиришнинг асосий усуллари қуйидагича:

1. Технологик жараёни оқилона ташкил этиш - машиналарда аралашмаларни тозалашни яхшилаш, титиш, тараш ва бошқа

операцияларни яхши бажариш, ўтимлар бўйича узилишларни камайтириш ва бошқалар.

Хом ашёдан тежаб фойдаланишга, технологик жараёни тўлиқ техник талабларга мувофиқ бўлишини таъминлашга, таъмирлашнинг ҳамма турларини ўз вақтида бўлишига ҳам боғлиқдир.

## 2. Янги техника ва технологияни жорий этиш.

Янги техника машиналарнинг иш унумдорлигини ошириш билан бир қаторда чиқиндиларни камайишига ҳам олиб келади. Тараш ўтимида металл аррадан фойдаланиш машинадан чиқадиган чиқиндининг камайишига ва аралашмадан ип чиқиш салмоғини 0,6-0,8%га ортишига олиб келади. Бунда, асосан бош барабан ва чиқариш барабанидан чиқадиган таранди камаяди, пилта йиртиғи камаяди - пилтани ерга тушириб юбориши камаяди[50].

Янги технология жорий этишда, ўтимларнинг камайиши ҳисобига ҳам чиқинди камаяди, янги турдаги момик ушлаш, янги чўзиш асбоблари, иплар узилишининг камайиши ҳам хом ашёдан яхши фойдаланишга олиб келади.

Чиқиндиларни меъёрлаш ва меъёрлар асосида хом ашёни сарфлаш, хом ашёдан оқилона фойдаланишнинг асосий усулларида бири ҳисобланади.

Амалиётда чиқиндини меъёрлашда икки хил усул қўлланилади: тажриба асосида ва техник ҳисоб асосида. Техник ҳисоб усулида чиқиндиларни меъёрлаш илғор усул ҳисобланиб, ҳар хил омилларни аниқлашга асосланган. Натижада, чиқаётган чиқиндиларнинг миқдори қандай сабабларга боғлиқлигини аниқлаш имконини беради. Чиқиндиларнинг чиқишини белгилашда хом ашёдан яхши фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни жорий этиш ва илғор корхоналар тажрибаларини ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳозирги кунда бундай усул кенг

тарқалмаяпти, чунки баъзи турдаги чиқиндиларни ҳисобга олиш мумкин эмас, сабаби уларнинг келиб чиқиши сабаблари аниқ эмас.

Чиқиндиларнинг чиқиш миқдори ва хом ашёнинг хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик, технологик жараён параметрлари машинанинг конструктив хусусиятлари, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг алоҳида хусусиятларига боғлиқ бўлади, шу сабабдан ҳам техник ҳисоб усулини қўллаш яхши натижага эришишга олиб келади.

Тажриба усулида чиқиндиларнинг чиқиш миқдорини белгилаш тажриба ўтказиш ёрдамида амалга оширилади. Яъни, маълум миқдордаги хом ашёни ҳамма технологик жараёндан ўтказилиб, натижалар ҳисобга олинади ва у меъёр сифатида белгиланади. Бундай усул одатда янги техника жорий этилганда ёки янги турдаги хом ашёдан фойдаланилаётганда қўлланилади. Тажриба асосида аниқланган чиқиндиларни меъёрлаш усулини қўллашда хом ашёни қайта ишлаш шароити, яъни қўлланилаётган технологик жараён, ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнлари бир-бирига яқин бўлиши лозим.

Тўқимачилик корхоналари амалиётида чиқиндиларнинг чиқиш меъёри аввалги йилдаги эришилган натижалар билан таққосланади, бундай усулда чиқиндилар чиқишини режалаштиришни илғор усул деб бўлмайди. Чиқиндиларнинг камайишига, хом ашёдан яхши фойдаланишга эришилади, деган маънони билдирмайди, фақатгина супиринди, кўринмайдиган момик каби баъзи турдаги чиқиндиларнинг чиқиш миқдорини аввалги йилга нисбатан қандай бўлишини белгилаши мумкин.

Тўқимачилик корхоналарида чиқадиган чиқиндиларнинг умумий миқдорида йиғириш корхонасида чиқадиган чиқиндилар энг кўп салмоқни ташкил этади ва у технологик жараён билан боғлиқ. Йиғиришда баъзи чиқиндилар технологик жараён билан боғлиқ бўлмай, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишчиларнинг малакаси билан боғлиқдир.

Йигиришда чиқадиган чиқиндиларни йигирилиш хусусиятларига қараб қайтимлар, қайтадиган ва қайтмайдиган (кўринмайдиган) чиқиндиларга гуруҳланади. Қайтадиган чиқиндилар, ўз навбатида йигириладиган ва йигирилмайдиган, яъни уй хўжалигида пахта сифатида ишлатиладиганларга бўлинади.

Қайтимлар шу корхонада аралашма таркибига қўшилиб, ундан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Қайтадиган чиқиндиларни ўзи чиққан аралашмага, ёки ундан кўра йўғонроқ ипни йигиришга мўлжалланган аралашма таркибига қўшиш мумкин. Чиқиндилардан нотўқима материаллари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Қайтмайдиган чиқиндилар - чанг, майда момиқ намликнинг йўқолиши ҳисобига вужудга келади.

Той чеккалари ва тўқилган бўлакчалар - бу чиқиндилар ташиш, сақлаш, ўраш, юкни туширишдаги камчиликларга боғлиқ. Хом ашёни сарфлаш сифати ва маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларга боғлиқ чиқиндилар - момиқ, ёнғоқча, титиш ва тараш машиналаридан чиқадиган момиқ, қабул қилиш барабанлари тагидан чиқадиган ёнғоқча ва момиқ, қалпоқча тарандиси, қайта тараш машина тарандиси. Бундай чиқиндилар технологик жараёнга боғлиқ ва уларнинг чиқиши оддий ҳолат ҳисобланади.

Технологик жараёнга, яъни узилишларга, машиналарнинг техник ҳолатига, ишчилар малакасига, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳолатига боғлиқ чиқиндилар - тўшалма, пилта ва пилик йиртиқлари, чигал ип, супиринди. Хом ашёдан фойдаланиш даражаси, чиқиндиларнинг чиқиш даражаси, толанинг хусусиятлари (тола узунлиги, сифати, ифлослиги) қўлланилаётган йигириш тизими ва режасидан ташқари бошқа кўп омилларга ҳам боғлиқ[52].

Чиқиндилар миқдорини камайтиришда чиқиндиларни йиғиш, қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир иш

жойида, цехда чиқиндилар чиқиш меъёри ва уларни топширишнинг ҳисобга олинишини ташкил этиш яхши самарадорлик беради. Ишчиларнинг малакасини ошириш, илғор иш услубларига ўргатиш, чиқиндиларни камайтириш усуллари билан таништириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд техника, технология ва ишни ташкил этиш даражасига қараб, бирлик маҳсулот учун хом ашё сарфи меъёрини белгилаш хом ашёдан самарали фойдаланишга олиб келади.

### **3-боб бўйича хулоса**

1. Тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардош бўлмаслигига сабаб бўлаётган асосий омиллар:

- *биринчи гуруҳ омиллари* тармоқнинг пахта толасини етказиб берилишига боғлиқлигини ифодаловчи омиллардир;

- *иккинчи гуруҳ сабаблари* айланма ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқдир;

- *учинчи гуруҳ омиллари* корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланмаслик ва ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси билан боғланган;

- *тўртинчи гуруҳ сабаблар* молиявий ҳаражатлар салмоғининг юқори даражадалиги билан боғлиқ;

- *бешинчи гуруҳ сабаблари* - тўқимачилик корхоналарига берилган имтиёزلардан тўлиқ фойдаланилмаслик билан боғлиқ омиллардир.

2. Чиқиндилар чиқишини камайтиришнинг асосий усуллари қуйидагича:

- технологик жараённи оқилона ташкил этиш - машиналарда аралашмаларни тозалашни яхшилаш, титиш, тараш ва бошқа операцияларни яхши бажариш, ўтимлар бўйича узилишларни камайтириш ва бошқалар;

- хом ашёдан тежаб фойдаланишга, технологик жараёни тўлиқ техник талабларга мувофиқ бўлишини таъминлашга, таъмирлашнинг ҳамма турларини ўз вақтида бўлишига ҳам боғлиқдир;

- янги техника ва технологияни жорий этиш. Янги техника машиналарнинг иш унумдорлигини ошириш билан бир қаторда чиқиндиларни камайишига ҳам олиб келади;

-чиқиндилар чиқиш салмоғи фойдаланилаётган технологик жиҳозлар тури ва ҳолатига боғлиқ.

## ХУЛОСА

1. Маҳсулот рақобатбардошлиги - бирор бир корхона томонидан ишлаб чиқарилган, рақобатчи корхоналарнинг худди шундай товарларига қараганда яхшироқ истеъмол хусусиятлари ва техник-иқтисодий параметрларига эга бўлган товарларнинг истеъмолчилар томонидан ажратиб олиндиш "қобилияти"дир.

2. Тўқимачилик саноати маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда корхонанинг мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланиб, маҳсулот бирлигига кетган ҳаражатларни қисқартириш ва маҳсулот таннархини қисқартириш орқали унинг баҳосини пасайтириш асосий омиллардан ҳисобланади.

3. Тўқимачилик саноати хом ашё сарфини энг кўп талаб қиладиган тармоқлар қаторига кирганлиги сабабли ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартиришда хом ашё сарфи кўрсаткичини қисқартириш катта аҳамиятга эга.

4. Меҳнат предметларидан хусусан, моддий ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳозирги даврда замонавий янги техникалардан тўғри фойдаланиш, шунингдек, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик татбиқ этишни тақозо этади. Чунки, улар ёрдамида моддий ресурсларни ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади.

5. Ҳозирги кунда тўқимачилик саноати маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда ресурслардан унумли фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ҳаражатларни қисқартириш йўллари таҳлил қилиш, ишга солинмаган ички имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишга солиш чора-тадбирларини белгилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

6. Моддий ҳаражатлар ўзгаришининг маҳсулот таннархига таъсирини тавсифловчи омилларни 3та гуруҳга: хом ашё сарфи омили, баҳо омили ва маҳсулотнинг структура силжишлари омилларига ажратиш мумкин.

7. «Oq' saroy textile» МЧЖ корхонасида режада кўзда тутилганидан 950719,2 кг ортиқча хом ашё сарфланган, лекин маҳсулот бирлигига тўғри келадиган хом ашё сарфи 1,048 кг дан 1,043 кг га қисқарган, натижада хом ашёдан 29970 кг иқтисод қилишга эришилган. Хом ашёнинг иқтисод қилиниши ҳисобига қўшимча 28734,4 кг маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилган.

8. Хом ашё баҳосининг кўтарилиши ҳисобига маҳсулот таннархига кирувчи хом ашё ва асосий материалларга кетган ҳаражатлар қиймати 939040 минг сўмга ортган.

9. Хулоса қиладиган бўлсак, корхонада маҳсулот таннархини пасайтиришга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлилига асосланиб, моддий сарф-ҳаражатларни қисқартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш ички имкониятларидан биридир.

10. Тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардош бўлмаслигига сабаб бўлаётган асосий омиллар: *биринчи гуруҳ омиллари* тармоқнинг пахта толасини етказиб берилишига боғлиқлигини ифодаловчи омиллардир; *иккинчи гуруҳ сабаблари* айланма ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқдир; *учинчи гуруҳ омиллари* корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланмаслик ва ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси билан боғланган; *тўртинчи гуруҳ сабаблар* молиявий ҳаражатлар салмоғининг юқори даражадалиги билан боғлиқ; *бешинчи гуруҳ сабаблари* - тўқимачилик корхоналарига берилган имтиёزلардан тўлиқ фойдаланилмаслик билан боғлиқ омиллардир.

11. Чиқиндилар чиқишини камайтиришнинг асосий усуллари куйидагича:

- технологик жараёни оқилона ташкил этиш - машиналарда аралашмаларни тозалашни яхшилаш, титиш, тараш ва бошқа

операцияларни яхши бажариш, ўтимлар бўйича узилишларни камайтириш ва бошқалар;

- янги техника ва технологияни жорий этиш. Янги техника машиналарнинг иш унумдорлигини ошириш билан бир қаторда чиқиндиларни камайишига ҳам олиб келади;

-чиқиндилар чиқиш салмоғи фойдаланилаётган технологик жиҳозлар тури ва ҳолатига боғлиқ.

12. Корхонада моддий ресурслардан самарали фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайишига, корxonанинг фойдаси ва рентабеллик кўрсаткичларининг ортишига олиб келади. Шу билан бирга, тўқимачилик корхонаси стратегиясининг таркибий қисмлари бевосита меҳнат ресурслари сиёсатига таъсир этиб, корхонага қандай кадрлар керак, уларни танлашдаги молиявий имкониятлар, ишчиларнинг эҳтиёжларини қандай қондириш кераклиги каби ҳолатларни аниқлайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 7 май 1993 йил.

2. “Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Апрель 1996 йил.

3. “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 5 декабр 2011 йил.

4. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 25 май 2005 йил.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари

5. “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги №ПҚ-1438 сонли Қарори.

6. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрдаги №ПҚ-1442 сонли Қарори.

7. “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация курилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги 2010 йил 21 декабрдаги №ПҚ-1446 сонли Қарори.

8. Ўзбекистон иқтисодиётида 2011-2015 йилларда ислоҳатлар ҳажмини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган чоралар дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 7 январ 2011 йил.

### III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

9. «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида» ги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 феврал 1999 йилдаги 54-сонли Қарори.

10. “Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 июл 2002 йилдаги 240-сонли Қарори.

11. “2009-2011 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 август 2009 йилдаги 236-сонли Қарори.

#### IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.

12. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 18 январ 2014 йил.

#### V. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

13. Абрютин М.С. Ценообразование в рыночной экономике: Учебник. - М.: Издательство "Дело и Сервис", 2006.

14. Акуленок Д.Н., Буров В.П. и др. "Бизнес-план фирмы. Комментарий методики составления" Гноипресс. 2006.

15. Армстронг М. Практика, управления человеческими ресурсами. 10-е изд. -СПб.: Питер, 2009.
16. Аронов А.М. Ключевые факторы успеха стратегического планирования: Словарь-справочник. -СПб.: Лениздат, 2000.
17. Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. -Т.: ТГЭУ, 2006. -112 с.
18. Беляева И.Ю., Панина О.В., Головинский В.В. Цены и ценообразование. Управленческий аспект: Учебное пособие. — М.: Кнорус, 2004.
19. Бухалков М.И. Внутрифирменное планирование: Учебник. 2-е изд., испр. и доп. -М.: ИНФРА-М, 2003. -400 с.
20. Виханский О.С. Стратегическое управление. 2-е изд. перераб. и доп. -М.: Экономист, 2005. -296 с.
21. Голощапов Н.А., Соколов А.А. Цены и ценообразование: Учебно-методическое пособие. — М.: Приор-издат, 2004.
22. Гончарук В.А. Развитие предприятия. -М.: Дело, 2000. -208 с.
23. Горемыкин В.А., Бугулов Э.Р., Богомолов А.Ю. Планирование на предприятии. Изд. 2-е. -М.: Филин, Рилант, 2000. -328 с.
24. Горфинкель В. Я., Куряков Е. М., Просолова В. П. и др. Экономика предприятия, М., ЮНИТ, 2004.
25. Грант Р.М. Современный стратегический анализ. 5-е изд. / Пер. с англ. -СПб: Питер, 2008. -560 с.
26. Деева А.И. Цены и ценообразование: Учебное пособие. — М.: Издательство "Экзамен", 2003.
27. Есипова В.Е. Цены и ценообразование. - СПб.: Питер, 2005. — 560 с
28. Иваненко А.Г. Инновационный менеджмент: учеб. пособие. -М.: КНОРУС, 2009. -416 с.

29. Икрамов М.А., Қўчқоров А.Х. Стратегик менежмент: ўқув кўлланма. -Т.: Гофур Гулом, 2005. -259 б.
30. Йўлдошев Н.Қ., Болтабоев М.Р., Рихсимбоев О.К., Ганиев Б.О. Стратегик менежмент: Ўқув кўлланма. -Т.: ТДИУ, 2003, -102 б.
31. Йўлдошев Н.Қ. Менежмент. -Т.: Фан, 2004. -213 б.
32. Йўлдошев Н.Қ., Ахунова Г.Н. Иқтисодиёт ва менежмент. Дарслик. -Т.: Иқтисод-молия, 2005. -174 б.
33. Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс. — М.: Издательский дом "Вильямс", 2004.
34. Латфуллин Г.Р., Райченко А.В. Теория организации: Учебник. - СПб.: Питер, 2008. -464 с.
35. Логинова Э.Ю., Пряника О.Д. Искусство управления в малом бизнесе: Учебно-практическое пособие. -М.: “Дашков и К”, 2009. -296 с.
36. Маринко Г.И. Управленческий консалтинг: Учеб. пособие. -М.: ИНФРА-М, 2009. -381 с.
37. Махмудов Э. Х. «Корхона иқтисоди», Тошкент.: «Ўзбекистон», 2004 йил
38. Нэгл Томас Т. Стратегия и тактика ценообразования. 3-е изд. - СПб.: Питер, 2004.
39. Орехов В.Н., Балдин К.В., Орехова Т.Р. Антикризисное управление: Учеб. пособие. -2-е изд. испр. -М.: ИНФРА-М, 2009. -504 с.
40. Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти» Тошкент.: «Молия», 2004.
41. Пивоваров С.Э., Максимцев И.А. Сравнительный менеджмент. 2-е изд. -СПб.: Питер, 2008. -480 с.
42. Портер М. Конкуренция: Пер. с англ. О.Л.Пеляевского. - Исправ.изд. -М.: Вильямс, 2005. -602 с.
43. Раздорожный А.А. Организация производства и управление предприятием / А.А.Раздорожный. -М.: “Экзамен”, 2009. -877 с.

44. Рахимова Д.Н. ва бошқ. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДЖҚА. -Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи 2009. -792 б.
45. Ричи, Шейла Управление мотивацией: учеб. пособие. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. -399 с.
46. Ценообразование и налогообложение: Учебник под ред. И.К. Салимжанова — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003.
47. Уткин Э.А. " Бизнес-план. Организация и планирование предпринимательской деятельности " М.: Тандем ЭКМСО, 2001 г
48. Фархутддинов Р.А. Производственный менеджмент: Учебник. 6-е изд.-СПб.: Питер, 2008.
49. Шуляк П.Н. Ценообразование: Учебно-практическое пособие. 7-е изд., перераб. и доп. — М: Издательско-торговая корпорация "Дашков и Ко", 2004.
50. Юсупов С.Ш. Кучли рақобат шароитида тўқимачилик корхоналари ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари: Монография. Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2014й.
51. Юсупов С.Ш. Роль маркетинга в повышении конкурентоспособности продукции текстильной и легкой промышленности Узбекистана. // Материалы международной научно-практической конференции. -Москва, ГОУ ВПО “РЭА им. Г.В.Плеханова”, 2009. -С. 235, 236.
52. Юсупов С.Ш., Юлдашев Н.К. Формирование ценовой конкурентоспособности продукции легкой промышленности в стратегии маркетинга. // Материалы международной научно-практической конференции. -Москва, МГУ им. М.В.Ломоносова, МГ-ЭИ, ТФИ, 2010. -С. 256-258.
53. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. -Т.: Ўқитувчи, 2001.

54. Қўчқоров А., Тошматов Х. ва бошқалар. Менежмент стратегияси. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003. -184 б.

#### **VII. Статистик маълумотлар тўплами**

55. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический обзор за 2012 год. Статистический сборник Госкомстата. -Т.: 2013.

56. Промышленность Республики Узбекистан-2012. Статистический сборник Госкомстата. -Т.: 2013.

57. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК йиллик ҳисоботлари. 2009-2013йй.

#### **VIII. Интернет сайтлари**

58. Интернет – сайт [www.legprom.uz](http://www.legprom.uz)

59. <http://www.referatik.ru>

60. <http://www.review.uz> ; [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

61. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

62. [www.standard.ru](http://www.standard.ru)

63. [www.marketingmix.ru](http://www.marketingmix.ru)

64. [www.beermarket.ru](http://www.beermarket.ru)

